

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

ҲУҚУҚШУНОСЛИК
қайта тайёрлаш ва малака ошириш
йўналиши

“ЮРИСПРУДЕНЦИЯДА ЁЗМА
НУТҚ КЎНИКМАЛАРИ”
модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2017

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

Тошкент давлат юридик университети “Тил ўргатиш” кафедраси доценти, ф.ф.н. Г.Гулямова

Тақризчи:

Тошкент давлат юридик университети “Тил ўргатиш” кафедраси профессори, академик Д.Хашимова

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат юридик университети кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Модулни үқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	10
III. Назарий материаллар.....	21
IV. Амалий машғулот материаллари.....	85
V. Кейслар банки.....	88
VI. Мустақил таълим мавзулари.....	94
VII. Глоссарий.....	95
VIII. Адабиётлар рўйхати.....	100

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1990-сон Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 242-сон Қарори, шунингдек, таълим тизимига оид норматив хужжатларда белгилаб берилган устувор йўналишлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш, уларнинг ёзма нутқ компетентлигини мунтазам ошириб боришини мақсад қиласди. Дастурда педагогларнинг ёзма нутқини такомиллаштириш, матнларда сўз кўллаш қобилиятини ривожлантириш, касбий ёзма нутқ жиҳатларидан онгли фойдаланиш малакаларини ошириш каби масалалар ўз аксини топган.

“Юриспруденцияда ёзма нутқ кўникмалари” модули педагогларнинг ижодий фикрлаб, саводли ёзиш, яъни фикр маҳсулини ёзма нутқ шаклларида тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш учун хизмат қиласди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Юриспруденцияда ёзма нутқ кўникмалари” ўкув модулининг **мақсади:** юрист мутахассислар, айниқса, педагогларнинг ёзма нутқ шаклларини пухта ўзлаштириш, фикр-мулоҳазаларини ёзма тарзда асослай олиш, ўзбек адабий тилининг лексик-грамматик, имловий меъёр, пунктуация қоидаларидан моҳирона фойдалана олиш қобилиятини янада шакллантириш ва ривожлантириш бўйича кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Юриспруденцияда ёзма нутқ кўникмалари” модулининг **вазифалари:** профессионал ёзма юридик нутқда тил бирликларидан ўринли фойдаланиш, юридик терминология талабларини пухта ўргатиш, матнларни мантиқий-мазмуний туза олиш салоҳиятини ривожлантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Юриспруденцияда ёзма нутқ кўникмалари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ёзма нутқнинг юрист касбий фаолиятидаги ўрни, имловий меъёрлар, орфографиянинг асосий қоидалари;
- расмий услубда юридик матн тузиш, бу услубнинг ўзига хослиги;
- юридик матннинг аниқлиги ва қолиплашганлиги, юридик матннинг мантиқий-мазмуний бўлиниши, унинг аниқ қабул қилинишида пунктуациянинг роли, тиниш белгиларининг услубий вазифаси;
- ёзма нутқда термин қўллаш меъёрлари ҳақида **билимларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- ёзма нутқнинг саводхонлик қоида ва талаблари асосида фаолият юритиш;
- юридик тилнинг имловий меъёрлари, юридик матнни тилнинг сўз бойлиги ва грамматик қурилиши, адабий тил меъёрлари асосида ёзма таҳлил қила олиш;
- юридик матн мазмунини ёритишида нутқ услубларидан тўғри фойдаланиш;
- дефис ва тирени ўринли қўллаш;
- юридик ёзма нутқда лугавий ва терминологик меъёрларни тўғри қўллаш;
- назорат ишларини талаб даражасида ишлаб чиқиш, фикрни ёзма баён этшида илмий манбалардан тўғри фойдалана олиш **кўникма ва малакаларини** эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- ўкув жараёнини ёзма нутқ талаблари асосида янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни таъминлайдиган ўқитишининг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникациявий, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;
- ҳукуқни қўллаш амалиётига саводли тузилган илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;
- ёзма нутқ асосида қонунчилик техникасини шакллантириш, ёзма нутқдаги фикрий боғланиш, изчиллик, мантиқийликка амал қилиш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказишиш бўйича тавсиялар

“Юриспруденцияда ёзма нутқ қўникмалари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Ўқитиш жараёнида:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;
- виртуал амалий машғулотларни ўтказищдатехник воситалар, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, график органайзерлар ва бошқа интерактив таълим усулларини кўллаш назарда тутилади.

Машғулотлар тингловчиларнинг таҳлилий фикрлаш, ўз фикр ва хуносаларини асослаш ва ҳимоя қилиш, энг асосийси, уларни ёзма шаклда тўғри баён қилишга қаратилган.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Юриспруденцияда ёзма нутқ қўникмалари” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик”, барча юридик фанлар, шунингдек, “Юриспруденцияда тизимли таҳлил”, “Давлат-хуқуқий ва халқаро-хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт”, “Фуқаролик-хуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт”, “Жиноий-хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт” каби ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг ёзма нутқ бўйича касбий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар турли юридик вазиятларда профессионал ёзма нутқ меъёrlаридан фойдаланиш, фикрни баён этишида ёзма юридик нутқ турларидан ўринли фойдалана олишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Мавзу номи	Ажратилган соат	Маъруза	Амалий	Мустакилий
1.	Ёзма юридик нутқ кўникмалари. Орфографиянинг асосий қоидалари.	4	2	2	
2.	Юридик тилда пунктуацион меъёрлар. Дефис ва тире.	4	2	2	
3.	Юридик ёзма нутқда термин кўллаш меъёрлари.	4	2	2	
4.	Юридик матн структураси. Ёзма иш ва унинг муҳим элементлари.	2			2
	Жами	14	6	6	2

НАЗАРИЙ МАШғУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ёзма юридик нутқ кўникмалари. Орфографиянинг асосий қоидалари.

Модулнинг мақсад ва вазифалари. Ёзув ва унинг моҳияти. Фикрни ёзма равишда баён қилиш нутқ фаолиятининг тури. Юридик тил ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ёзма нутқ тушунчаси. Умумлаштириш ва парафразалар.

Ёзма нутқнинг юрист касбий фаолиятидаги ўрни. Ёзма нутқнинг коммуникатив тавсифи. Ёзма юридик нутқнинг аниқлиги, тўғрилиги, тозалиги. Орфографиянинг асосий қоидалари. Шаклий ёзув қоидаси.

2-мавзу: Юридик тилда пунктуацион меъёрлар. Дефис ва тире.

Юридик тилда тиниш белгиларининг аҳамияти ва адабий тил меъёрлари. Пунктуация ва унинг меъёрлари. Матннинг мантиқий-мазмуний бўлиниши, унинг аниқ қабул қилинишида пунктуациянинг роли. Тиниш белгиларининг услубий вазифаси. Дефис ва тире, уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

3-мавзу: Юридик ёзма нутқда термин қўллаш меъёрлари

Юридик терминлар – қонун тили лексикаси. Ёзма юридик тилнинг луғавий ва терминологик меъёрлари. Юридик терминлар тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ёзма нутқда тўғри қўллаш шартлари. Юридик терминларга қўйиладиган талаблар. Юридик терминларнинг матнда ифодаланиши. Юридик терминологияда лексикализация усулиниг фаоллашганлиги. Умумхуқуқий тезаураси масаласи.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Амалий машғулотларда тингловчилар ёзма юридик нутқнинг қоида ва талаблари асосида муайян топшириқларни бажарадилар. Эга бўлган кўникма ва малакаларини кейслар, тарқатма материаллар билан мустаҳкамлайдилар.

1-амалий машғулот:

Ёзма юридик нутқ кўникмалари. Орфографиянинг асосий қоидалари.

Ёзма нутқ маданиятининг асосий категориялари – тил, нутқ, мантиқ тушунчаларни таснифлаш, юриспруденцияда ёзма нутқ талабарини асослаш. Ёзма юридик нутқнинг хусусиятларини асослаш. Орфографик ва шаклий ёзув қоидасини мисоллар билан ёритиш. Юрист-педагогнинг ёзма нутқ қобилиятини пухта ўзлаштириш талабарини касбий фаолият билан боғлаб тушунтириш.

2-амалий машғулот:

Юридик тилда пунктуацион меъёрлар. Дефис ва тире.

Юриспруденцияда ёзма нутқ меъёрлари, хусусан, фонетик, лексик-семантик, акцентологик, грамматик, сўз ясалиш меъёрлари, имловий меъёрлар, график (ёзув), айниқса, пунктуацион ва услубий меъёрларни мисоллар билан тушунтириш. Тиниш белгиларини ўз ўрнида ишлатиш, дефис ва тиренинг ўзига хосликларига оид топшириқлар бажариш.

З-амалий машғулот: Юридик ёзма нутқда термин қўллаш меъёрлари.

Юриспруденцияда терминология муаммоларини манбалар асосида тушунтириш. Термин ва атама сўзлари икки хил тушунча эканлигини юридик лексикалар ёрдамида асослаш. Юридик терминология талаблари, терминлар унификацияси, умумхукуқий тезаурус яратиш масалалари бўйича ёзма материал тайёрлаш. Юрист олимлар фикрларини қиёсий ўрганиш. Юридик луғатларни танқидий таҳлил қилиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

“Юриспруденцияда ёзма нутқ қўникмалари” модули машғулотлари таълимнинг интерактив услубида, якка ва гуруҳда ишлаш шаклида ўтказилиб, тингловчиларни ўқув материалини асосан ёзма тарзда ўзлаштиришлари орқали амалга оширилади.

Ўқитиш жараённида тингловчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирувчи қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза, мини маъруза ва амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- баҳс-мунозара, дебат, давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф ва мулоҳазалар бериш қобилиятини ошириш, тушуниш, муроҳада қилиш, мантиқий хулосалар чиқариш);
- дидактик вазиятлар яратиш, ҳамкорликда тренинг, мастер-класслар ўтказиш;
- ўқитиш методларидан “Кластер”, “Бумеранг”, “Елпифич”, “Резюме”, “Балиқ скелети”, “Пинборд” кабилардан фойдаланиш;
- замонавий воситалар ва мультимедиали қурилмалар, презентация, тарқатма материаллар каби дидактик воситалардан фойдаланиш.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакалари назорати қуйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Мантиқий саволлар	2,5	1 балл
2	Казус (кейс таҳлили)		1,5 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Вен диаграммаси” методи.

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишиган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшлилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишиган қисмига ёзадилар.

ВЕНН ДИАГРАММАСИ

ВЕНН ДИАГРАММАСИ - 2

ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таккослаш ёки карама-карши кўйиш учун кўлланилади.

Тизимли фикрлаш, солиштириш, таккослаш, тахлил килиш кўникмаларини ривожлантиради.

Венн диаграммасини тузиш коидаси билан танишадилар. Алжидайчилик гурхларда Венн диаграммасини тузадилар ва кесишмайдиган жойларни (ж) тўлдирадилар

Жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таккослайдилар ва тўлдирадилар

Доираларни кесишувчи жойда, иккича/уч доиралар учун умумий бўлган, маълумотлар рўйхатини тузади.

Бунда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашилади, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳияти ўзлаштирилади, яъни синтезланади. Тингловчилар 4 гурухга бўлинадилар ва ҳар бир гурухга 3 тадан мавзу берилади. **Намуна: мавзу: Конунчилик техникаси.**

1-гурухга: лексика, қонун тили лексикаси, атама ва термин

2-гурухга: нутқ услублари, расмий услуб, илмий услуб

3-гурухга: лексикография, лугат, юридик лугат, изоҳли лугат ва қомус

4-гурухга: таржима, унификация, тезаурус

Топшириқлар, албатта, жадвалга туширилади:

ВЕНН ДИАГРАММАСИ



“Меню” методи. Бу метод асосида тегишли вазифа бажарилади. Вазифалар фан талабларидан келиб чиқиб, ёзма бажарилиши мумкин. Бунда ҳар бир тингловчи фаолияти баҳоланади.


Масалан, мавзу: “Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари”:

- а) Конституциявий ҳуқуқлар
- б) Маъмурий ҳуқуқлар
- в) Фуқаролик ҳуқуқлари
- г) Мехнат ҳуқуқлари

Гуруҳ аъзолари (tinglovchilar) меню ёрдамида танланган тегишли мавзу юзасидан топшириқ бажарадилар.

“Нима учун”, “Балиқ скелети”, “Қандай” методлари. Бу методлар график организерлар ҳисобланади. Бунда муайян муаммонинг сабаблари, унинг ҳолати ва ечими мантикий фикрлар асосида ҳал қилинади.

«Нима учун?» – Юридик тил унификациясига түлиқ әришилмаяпты?



“Балиқ скелети” чизмаси

“Балиқ скелети” чизмаси

Бир катар муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради.


Тизимли фикрлеш, түзүлмөгө көлтириш, таҳлил килиш күнікмаларини ривожлантиради

Чизмани тузиш коңдаси билан танишадилар. Алохида/кичик гурұхларда юқори “суяғыда” кичик муаммони ифодалайды, пастда эса, ушбу кичик муаммолар мавжудлыгини тасдиқловичи далиллар ёзилади

Кичик гурұхларга бирлашадилар, тәккеслайдилар, үзларининг чизмларини түлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.

Иш натижаларининг тәқдимоти

«Балиқ скелети» схемаси - Уларни тасдиқловчи муаммочаларни аниқлаш ва тасдиқлаш (лавҳа)



“Қандай?” диаграммаси




Кичик гурӯҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг чизмаларни тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар

Диаграммани тузиш коидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурӯҳларда диаграммани тузадилар

Иш натижаларининг тақдимоти

«Қандай?» иерархик диаграммаси – Муаммони ечишнинг усул ва воситалари (лавҳа)



“ФСМУ” методи.

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезрок ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “**Ёзма юридик нутқ – ўзбек ёзма адабий тилининг таркибий қисми”.**

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Ф	• Ёзма юридик нутқ алоҳида нутқ ёки тил эмас.
С	• Бу нутқ қатъий ўзбек адабий тил нормаларига риоя қиласди. Чунки...
М	• Конун тили давлатнинг расмий тилидир...
У	• Ёзма юридик нутқ алоҳида нутқ эмас, демак у ўзбек адабий тилининг ёзма шаклларидан бири хисобланади.

“Мунозара” методи. Таълим тизимида тизимларда нутқ ўқитиш, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар чиқариш воситаси сифатида ғоя муҳим ўрин эгаллади. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Тингловчилар томонидан “ўз сўзи” ўзига хос услуб асосида изчил, савол фикр юритилади.

Мунозара вақтида талабалар ўзларига ишонган ҳолда саволларни мунозара қилишади. Мунозара учун шундай шароит яратиши керакки, унда талабалар ўз фикрларини ишонч билан очик айтиш, камчиликлари учун айбга қўймасликларига ишонган ҳолда баён этишлари лозим.

Масалан: Суд процессида адвокатнинг ёзма нутқи тил услугбларининг барча туридан фойдалана оладими?



“Пинборд” методи. Пинборд инглизчадан: pin- мустаҳкамлаш, board- доска маъносини билдиради. Бу усулда мунозара ёки суҳбат амалий усул билан боғланиб кетади. Метод мақсади ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифасини бажариш. Бунда тингловчиларда мулоқот юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини нафақат оғзаки, балки ёзма равища баён этиш маҳорати, мушоҳада қилиш ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

Намуна.

Фикр: “Ёзма юридик нутқ талаблари” тушунчасига пинборд тузинг.



“Инсерт” методи. Методнинг мақсади: мазкур метод янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади. Метод хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди. Инсерт методининг шиори – фаоллик.

Методни амалга ошириш тартиби:

- машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган тарқатма ёки тақдимот қўринишида тайёргланади;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн тарқатилади ёки тақдимот қўринишида намойиш этилади;
- тингловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

“V” – янги ахборотга эга бўлдим;

“–” – матн билганларимни тасдиқлайди;

“+” – ахборот билганларимга зид;

“?” – ҳайронман, ўйланиб қолдим.

Қуйидаги жадвал инсертга мисол бўла олади: Мавзу:

Юридик терминларни унификациялаш – умумхуқуқий тезаурус түзиш. Тезаурус – пухта шаклланган юридик луғат

“V”	“+”	“_”	“?”
“Ха” Үқиганимдан аниқ билган ёки биламан деган маълумот мавжуд	“Мусбат” Үқиганимдан мен учун янги маълумотга эга бўлдим	“Манфий” Үқиган ва билганимдан карама-карши маълумот мавжуд	“Савол” Үқиган ва билганимдан мен учун тушунарли бўлмаган ёки шу ҳақда кўпроқ маълумот билиш истагининг мавжудлиги

“Хулосалаш” (Резюме, Veer) методи. Бу метод мураккаб, кўптармоқли мавзуларни ўрганишга қаратилиб, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Масалан:

Юридик луғатлардаги муаммолар					
унификация		таржима		Терминларни ўз ҳолича қабул қилиш	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи. Кейс-стади (инглизча case – аниқ вазият, study – таълим) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва натижаларга эришишга асосланган таълим методидир.



Кейс методи. Кейс – бу яхлит ахборотлар мажмуи.



Намуна.

Фикр: Расмий ёзма юридик тил лексикасини асосан терминлар ташкил этади. Лекин ҳар қандай юридик тушунчалар муайян термин билан ифодаланади. Сизнингча, бунда қандай терминологик талаб ва меъёрлар мавжуд?

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Ёзма юридик нутқ кўникмалари. Орфографиянинг асосий қоидалари

Режа:

1. “Юриспруденцияда ёзма нутқ кўникмалари” модулининг мақсад ва вазифалари. Ёзув ва унинг моҳияти.
2. Фикрни ёзма равишда баён қилиш нутқ фаолиятининг тури. Юридик тил ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ёзма нутқ тушунчаси. Умумлаштириш ва парафразалар.
4. Ўзбек ёзма юридик тилда орфография талаблари.

Таянч иборалар: нутқ маданияти, ёзма нутқ, тилнинг эстетик, гносеологик вазифаси, маданий тил воситалари, расмий ёзма юридик тил, орфографик принциплар.

1.1. “Юриспруденцияда ёзма нутқ кўникмалари” модулининг мақсад ва вазифалари. Ёзув ва унинг моҳияти

Тил тафаккур қуроли деб бежиз айтилмайди. Тил – миллат рамзи, халқ қиёфаси. Нутқ ва тил жамият тўплаган тажриба ва билимларни келажак авлодларга етказишдек улуғвор ижтимоий вазифани бажаради. Юртбошимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, тил элни бирлаштиради.



Жамият тараққиёти билан баб-баравар аҳоли сони, бинобарин, уларнинг тилга бўлган эҳтиёжи ҳам ўсиб бораверади. Бу эҳтиёжларни қондириш зарурияти эса ўз навбатида тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатида табиатни, унда содир бўлаётган ҳодисалар моҳиятини, инсоннинг ушбу ҳодиса ва жараёнлардаги ўрни ва вазифасини ўрганишни тақозо қиласи, нутқ жараёнидаги истеъмолда бўлиш хусусиятларини кузатиш заруриятини келтириб чиқаради. Агар мана шу айтилганларни бошқачароқ тарзда изоҳлаш мумкин бўлса, тил ва нутқ меъёрини ўрганиш, таҳлил қилиш асосий муддаога айланиб қолади. Нутқ маданияти инсон умуммаданиятининг бир қисми бўлиб, фикрни адабий тил меъёрларига мувофиқ тўғри, эркин, аниқ, мантиқан изчил, ёқимли ва таъсирли баён қилишдир.

Нутқ маданияти дейилганда тил бирликларидан, жумладан, лугавий, грамматик ва услубий воситалардан нутқ жараёнида тўғри ва ўринли фойдаланиш назарда тутилади. Нутқ маданияти кишидан тил бойлигини – лугавий бирликлар, грамматика, орфоэпия, орфография, нутқ услублари ва уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар ҳамда меъёрларни юқори даражада билишни талаб этади. Бундан ташқари, нутқ маданияти кишининг шахсий маданий савияси билан ҳам боғлиқдир, деб алоҳида уқтиради олим С.Усмонов ўзининг “Юристнинг нутқ маданияти” дарслигига.




Юриспруденцияда ёзма нутқ мадниятини эгаллаш, тўғри ёзишга интилиш, фикр маҳсулини матнга тўлаконли талаб даражасида тушира олиш маҳорати барча юрист-педагогнинг зарурий вазифаси бўлмоғи лозим. Чунки ёзма нутқ ижтимоий-сиёсий вазият, маданий-маънавий турмуш талаб этаётган зарурий ҳаётий ҳодисадир.

Дарҳақиқат, ҳозирги қунда таълим-тарбия жараёнида фаолият юритаётган педагог, шу жумладан, юрист-педагогнинг ҳам адабий тил, хусусан, ёзма нутқ меъёрларини пухта билиши, уларга оғишмай амал қилиши давр талабига айланган. Ёзма нутқ адабий тилнинг асосий шакли

ҳисобланади. Оғзаки адабий тил учун меъёр-талаффуз бўлса, ёзма адабий тил учун хос бўлган меъёр-орфография ва пунктуация (тиниш белгилар)дир. Ёзма нутқ мадниятини эгаллаш, тўғри ёзишга интилиш, фикр маҳсулини матнга тўлақонли талаб даражасида тушира олиш маҳорати барча касб эгаларининг, шунингдек, юрист-педагогларнинг ҳам зарурий вазифаси бўлмоғи лозим. Чунки ҳозирги кунда ёзма нутқ маданияти муаммоси долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёзма нутқ ижтимоий-сиёсий вазият, маданий-маънавий турмуш талаб этаётган зарурий ҳаётий ҳодисадир. Қолаверса, миллий ҳуқуқшунослик мактабини яратиш, ҳуқуқ мадниятини тарғиб қилиш ва ёшлар онгига сингдириш, уларни миллий мафкура ғоялари билан қуроллантириш, ҳуқуқий демократик жамият қуриш бевосита бўлғуси юрист-кадрларнинг ёзма нутқ саводхонлигига боғлик бўлиши табиийдир. Шундай экан, нутқ юристнинг тафаккур юритиш, фикр баён қилиш қуролидир. “Юриспруденцияда ёзма нутқ кўникмалари” модулининг таълимда тутган ўрни юқори. Чунки фан юрист-педагогларнинг фаолият жараёнида давлат тили ҳамда ёзма нутқ мезонларидан максимал фойдалана олиш шартини таъминлайди. Шулардан келиб чиқиб, модулнинг мақсад ва вазифалари:

- тингловчиларни ёзма юридик нутқ тушунчаси, “Юриспруденцияда ёзма нутқ кўникмалари” модулининг мақсади ва вазифалари билан таништириш;



- профессионал юридик ёзма нутқда тил воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишга ўргатиш;

- ёзма юридик тилнинг услублари, юридик терминлар олдига қўйилган талаб ва мезонлар ҳақида маълумот бериш;
- тингловчиларнинг ёзма юридик нутқларини шакллантириш ва такомиллаштириш;
- пунктуациянинг ёзма нутқ (матн грамматикаси)даги бекиёс аҳамиятини пухта тушунтириш;
- матнларни мантиқий-мазмуний тузга олиш салоҳиятини ривожлантириш;
- матн, матн турлари, уларнинг тузилиши (грамматикаси) ва матн ҳосил қилувчи воситалар ҳақида тушунча беришдан иборат.

Оғзаки нутқ ҳаётда кишилар билан муносабатда бўлиш уларга тақлид қилиш йўли билан ривожланиб, шахсдан маҳсус ўқиш ва ўрганишни талаб этмайди. Ёзма нутқ эса оғзаки нутқ асосида ривожланади. Шу жиҳатдан қараганда ёзма нутқ тўлиқ ва мукаммал нутқдир. Бу нутқ фикрни ихтиёрий ифодалаб беришнинг энг яхши воситасидир. Ёзма нутқ мураккаб жараён бўлиб, харфлар ва белгилар ёрдами билан харфлар, сўзлар, гапларни кўз билан идрок қилишга, қўл билан ёзишга мўлжалланган нутқдир, деб таъкидлайди тилшунос олим С.Усмонов.

Ёзма нутқ маданияти – тилнинг орфографик бойлигини эгаллашдир. Нутқ инсоният маданиятининг катта таркибий қисмини нутқ маданияти, хусусан, ёзма нутқ ташкил этади¹. Ёзма нутқ – адабий тилнинг ёзма меъёрларини эгаллаш, яъни тафаккур, урғу, сўз ишлатиш, гап тузиш қонунларини яхши билиш, тилнинг тасвирий воситаларидан ҳар хил шароитларга мос ва мақсадга мувофиқ фойдалана олиш, ифодали ўқиш маданиятини эгаллаш ҳам демакдир.

Шунингдек, ёзма нутқ тушунчаси фикрни ёзма тўғри баён қилиш, орфографик талаблар, мантиқ категорияларига амал қилиш, ёзувда маданий тил воситаларидан мақсадга мувофиқ равишда фойдалана олиш, тил бирликларининг ёзма нутқда тўғри қўлланиш қонуниятларини назарий жиҳатдан асослайди ҳамда бу меъёрга амал қилишни маълум маънода назорат ҳам қилиб боради². Юристлар учун нутқ услубларидан тўғри фойдаланиш ўта муҳим ҳисобланади. Чунки бу соҳа медицина каби бевосита инсон тақдири билан юзма-юз келади, тўқнашади. Тиббиёт ходими асосан жарроҳлик йўли билан инсонларни даволаса, юрист эса нутқи, тили, хуқуқий саводхонлиги билан уларга ёрдам беради. Шу боис, нутқ ва тил юристнинг фикр юритиш, ишонтира олиш, тўғри қарор қабул қилиш қуролидир. Бунда тил услубларидан ўринли фойдаланиш муҳимдир.

Куйида “Academic Writing” қўлланмасида расмий услуг ёки эссе матн структурасига оид фикрларни эътиборга ҳавола этамиз.¹

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. viii-p.

Йирик хужжатли матнлар (эсселар) 2500-5000 сўздан ташкил топиб, ҳозирги модул тизимида вазифа сифатида берилувчи топшириқлар ҳисобланади. Ушбу матнлар бошқа матнлардан маълум алоҳида ёндашувни талаб қиласди, яъни тузувчидан алоҳида изланиш ва матн структурасини талаб қиласди.¹

Бундай матнлар сўнги муддатга қадар таёргарликни талаб этади. Матн тузишдан олдин маълум муддат матн структурасини тузиб олиш керак.



Бундай матн тузиш учун қўйидагиларга эътибор қаратиш талаб этилади:

1. Мавзу номи ўқиб, у ҳақида умумий фикр юритинг ва умумжиҳатли манбалар ҳақида хулоса қилинг.
2. Мавзу бўйича манбаларни ўқиб чиқиб, ўзингиз учун қайд қилинг. Манбаларнинг барчасини ўзингиз учун ёзиб қўйинг.
3. Қайдларни ўқиб чиқиб, хулоса қилинг ва уларни аниқлаштиринг.
4. Асосий қисм қораламасини тайёрланг .
5. Кириш ва хулоса қисм қорамаларини тайёрланг.
6. Зқисмларни мантиқан ташкил қилиб, ривожлантириб, фикрларни тизимлаштиринг ва қайта ёзиб чиқинг.

¹Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p.216

7. Матнда қўлланиувчи ҳавола ва иқтибосларни аниқлаб олинг.
8. Матнни ёзишдан олдин матнни тўлиқ ўқиб чиқиб, барча фикрлар аниқ ва тартиб билан ёзилганига ишонч ҳосил қилинг.



9

Бундай йирик матнлар қўйидагиларни ўзичига олиши мумкин:

1. Титул варак, бу ерда тингловчи ҳақида ва мавзу номи ҳақида маълумот берилади.
2. Мундарижа варағи – бунда матннинг асосий қисмлари бетлари билан кўрсатилган бўлади.
3. Кириш қисми.
4. Асосий қисм.
5. Хулоса.
6. Иқтибослар рўйхати.
7. Кўшимча изоҳлар.

Сўзларни қўллаш

Академик матнлар сўзларни тўлиқ ва равон қўллаши талаб этади. Бу эса ўрганилаётган фанга доир бўлган сўз бойлигини ривожлантириш ва қўллашни талаб этади.

Баъзан матнларни ўқиётганда бошқа лотин, немис, француз тиллардан тўғридан тўғри қабул қилинган сўзларга дуч келамиз. Бунга сабаб уларнинг бошқа тилда айнан эквиваленти йўқлигидадир.

Масалан: Асосий З томонлама назарий қарашлар жус ад беллум, жус ва белло, бир бирига боғлиқ равища.

Маъноси: (урушга бориш учун асослар, уруш қоидалари) одатда кундалик матнларда бундай илмий терминлар қўлланилмайди, бироқ матн тузувчи юридик матн тузатганда улардан хабардор бўлиши керак.

Шундай сўзларга бир нечта мисол келтирамиз.

1. Ад хок- вақтингчалик
2. Де факто-ҳақиқатда мавжуд
3. Де журе-қонунга биноан
4. Интер алиа-бошқалар орасида
5. Про рата-пропорционал¹.

Илмий матнда сўзларни қўллаш

Илмий матнларни ёзиш учун тингловчи шу фан доирасидаги расмий сўз бойлиги билан таниш бўлиши лозимлиги ҳақида айтиб ўтгандик. Ушбу бўлимда от ва сифат сўз туркумидаги умумқўлланишдаги сўзларни қўллаш билан боғлиқ қоидалар ёритилади. Кўп ҳолларда илмий сўзларнинг кўпчилигини ёдда сақлаш кийин ва бу фақат бир соҳада вакилларигагина таниш бўлади.

Масалан: М. вакцинасининг фойдаси ҳақида айтадиган мунозаларга сабаб бўлди.

Бу ўринда вакцина фақатгина тиббиёт соҳаси вакилларигагина тушунарлидир қолган отлар эса барча солар учун эса умумийдир.

Масалан:

Аниқлик. Тажриба тақрорлаш натижасини оширади.

Таҳлил. Унинг таҳлиллари қотишка ҳақида эди.

Йўналиш. Профессор генетикани ўрганишда янги йўналишларни қўллади.

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p. 216

Синов. Модул синовларидан ўта олмади, бироқ якуний баҳолашларни топшира олди.

Категория. Унинг ишлари икки категорияда элон қилинди.

Идеология. Армия кучи Рим идеологиясининг юраги эди.

Инновация. Буғ кучи янги асрнинг энг аҳамиятли инновацияси эди.


Процесс-наркотик иши билан боғлиқ суд муҳокамаси (процесси) 2 йил давом этади.

Корреляция. Олимлар ўғирлик ва соғлиқ ўртасидаги корреляцияни топишиди.

Импликация. Ушбу назаряни импликация қилиш учун кўпроқ изланишимиз керак.

Мотивация. Пул кўпинча ишчиларга мотивация берадиган манба хисобланади¹.


Кўпчилик ҳолларда от ва сифатларни қўллашда чалкашликларга йўл кўйилади. Бунга сабаб ва ясалиш жараёнида уларнинг бир-бири учун асос бўлиши ва отнинг сифатлашиши ва сифатнинг отланишишидир. Баъзан эса бу икки туркумдаги сўзлар услубий жиҳатдан фарқланади. Бир хил маънодаги сўзлар расмий ёки норасмий стилистик услуб касб этиши мумкин. Шуни айтиш керакки матн тузा�ётганда матн стилистикасидан келиб чиқиб сўзларни тўғри қўллаш зарур².



¹ Stephen Bailey. "Academic Writing: A Handbook for International Students" Fourth Edition. 2015. p.166

Изоҳ: Юқори даражадаги илмий матн тузишни хохловчилар Аверил Коххеад томонидан тузилган академик сўзлар луғати билан танишиб чиқишилари мақсадга мувофиқ бўлиб, унда 570 дан ортиқ соҳалар ва соҳалараро махсус сўзлар жамланган.¹

Ёзувни ўргатиш машқлари. Ёзма машқлар тушунчаси доирасига аудитория ва уйда бажарадиган барча ёзма ишлар киради.



Ёзма машқ – ёзув (фикр баён этиш) ва ёзиш (тovушни график белтига ўтказиш) амаллари англашилади: 1-сида ёзма нутқ мулокоти, яъни ўзининг ва ўзга шахснинг фикрини ёзма шаклда китмадир етказиш; 2-сида эса ёзиш техникаси (тovуш-харф, хусниҳат, имло) машқлари назарда тутилади.

Методик адабиёт сахифаларнда ёзма машқлар қатор мезонларга кўра таснифланади: (1) вазифасига кўра – тайёрлов ва асосий (нутқий маъносида); (2) нутқ фаолиятининг хусусиятига қараб рецептив ва репродуктив; (3) ўкув амаллари жиҳатидан – тил структураларини нутқда тақлидан қўллаш, ўзгартириш, бириктириш; (4) тил материалига муносабат юзасидан – нутқда аниқ бир мақсадда ва турли мақсадларда қўллаш. Ушбу ёзма машқлар яна кичик турларга ажратилиши мумкин.

Ёзувни ўқитишига бағишлиланган методик манбаларда машқларнинг умумий таснифи ҳам келтириллади. (1) кўчириш; (2) эшитиб ёзиш (имло диктанти); (3) эркин ва ижодий диктант (фикр баён этиш);

¹Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p.167

(4) чинакам ёзув машқи (хат, деворий матбуотга мақола ёзиш, бирор ҳодисани тасвирлаш); (5) ўйин-машқ (кроссворд, чайнворд, топишмок); (6) ҳикоя (матн)нинг режасини тузиш; (7) ўқиган матннинг мухтасар баёни (аннотацияси) ни тайёрлаш.

Ёзма машқларнинг мавжуд таснифларини умумлаштириб, амалий кулайлик нуқтаи назаридан ёзма нутқ машқлари сифатида тавсия этилади ва уларга намуналар келтирилади.



Ёзиш машқлари: фалон товушни ифодаловчи ҳарфларни ёзиш; матндан фалон товуш-ҳарф муносабатини намойиш қилувчи сўзларни кўчириш; матнни кўчириб, ундаги товуш ва ҳарф миқдори мос келмайдиган сўзларнинг тагига чизиш; матндаги сўзлар таркибида учрайдиган ўқилиш қоидаларини гурухлаш (масалан, товуш-ҳарф миқдори тўғри келмайдиган сўзлар, товуш-ҳарф миқдори тўғри келмайдиган сўзлар ва ҳ.к.); бир товуш бир неча ҳарф ва ҳарф бирикмалари орқали берилишига матндан мисоллар топиш; ўхшаш морфемали сўзларни матндан кўчириш; фалон товушни ўз ичига оладиган сўзларни (қирқма алфавитдан фойдаланиб) тузиш кабилар.

Ёзма нутқ машқлари. Нутқ машқларига қуйидагилар киради: эссе, баён, ҳикоя, тасвир, иншо, хат (мактуб) ва бошқа машқлар. Хорижий мамлакатлар тизимида академик ёзувнинг умумий турлари қуйидагиларни ўз ичига олади: конспект, лойиҳа иши, иншо, реферат, диссертация ва шу кабилар.¹ Аввал тингланган ва ўқилган мазмунан боғланма жумлалар гуруҳини ёддан ёзиш ёзма нутқ машқларини бажаришда дастлабки қадам ҳисобланади. Ўқилган матнни қисқартириш, яъни асосий мазмунни ифодаловчи таянч жумлаларни ажратиш ва шу жумлаларни ички қисқартириш навбатда бажариладиган ёзма нутқ машқлариданdir.

Энди тингловчиларга қисқартириш билан бирга матннинг шаклини ўзгартириш тавсия қилинади. Матн мазмунини саклаган ҳолда ўзгача жумлалар билан ёзма баён этишга ўргана бошлашади. Ўзгартириш механизмини эгаллаш ва матн мазмунини “ўз сўзлари билан” ёзиш орқали баён машқини бажаришга ўтилади.

¹Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p.4

Баён ёзиш тегишли тайёргарлик ишларини талаб этади: зарур нутқ намуналарини танлаш, матнни қисмларга ажратиш ва уларнинг мазмунини таҳлил этиш ва кетма-кетлигини аниқлаш каби машқлар бажарилади.

Нихоят, ўқилган ёки тингланган матн мазмунига суюниб, хат (мактуб), деворий матбуотга мақола кабиларни ёзма тайёрлаш машқ қилинади¹.

Ёзма нутқ машқларини бажаришнинг юксак даражасида хат (мактуб) ёзилади. Тингловчилар турмуши билан боғлиқ мазмунда хат ёзиш ҳақида гап боради. Тингловчилар хат ёзишлари учун уларга муаллим қуидагиларни ўргатади: хатнинг мазмунини аниқлаш; муайян нутқ намуналари ва лексик бирликларни танлаш; хатни тўғри расмийлаштириш.

Хатнинг мазмуни деганда, тингловчилар оғзаки нутқ юритадиган мавзулар доирасида ёзма фикр билдириш тушунилади. Тингловчи ўзи ҳақида, мактаби, оиласи, шахри/қишлоғи, (ватани) тўғрисида ёзади.

Нутқ намуналари ва лексикани танлашда мактубий шаклдаги, ёзувга хос нутқий муомала ифодаси, табриқ, миннатдорчилик билдириш, хатни якунлаш кабиларга доир жумла ва сўзларни дафтарга ёзиб бориш зарур.

Ёзма ишлар, уларнинг шакллари, ёзиш тартиби билан боғлиқ турли қоидалар мавжуд бўлгани боис барча ўқув муассасаларидаги ўқувчи талабалар ёзма ишларни турли шаклда ёзиш имкониятига эга.¹


Ёзиш ва ёзма нутқ бўйича амалда жорий машқлардан намуналар келтирилди, холос. Ҳар бир синфда шароитга қараб, тингловчилар кўникма ва малакаларининг ривожланиш даражасини ҳисобга олиб, ёзув машқларини бажаришнинг хусусий тартиботи белгиланади.

1.2. Фикрни ёзма равишда баён қилиш нутқ фаолиятининг тури.

Юридик тил ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Хозирда тилшуносликнинг кўпгина йўналишлари бўйича қатъий меъёрлар белгиланди, она тилимиз ривожига оид янги қоидалар жорий қилинди ва унга мувофиқ тил бирликларининг ёзув ва муомала жараёнидаги намунавий вариантлари тавсия этилди, тилимиздаги кўпгина мунозарали масалалар ўзининг назарий асосини топди.

¹Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p.5



Педагог аввало, она тилида ёки ўзга бир тилда тўғри, маданий гапира олиш ва ёза олиш малакасини шакллантириши ва ўқувчи учун зарур бўлган билимни унга тушунарли ҳолда етказа олиши лозим. Ёзма нутқ маданиятини тўғри эгаллаш ўз навбатида ўқитувчига ўз она тили, яъни адабий тил бойликлари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ, шароит ва услугуб тақозосига кўра фойдалана олиш кўнимасини беради.

Шу ўринда айтиш жоизки, шу кунгача тилдаги бирликлар ва ҳодисаларнинг реаллашуви, мустаҳкамлашуви ҳамда меъёрлашувида ёзувнинг хизмати катта бўлиб келмоқда. Зоро, ҳар бир ҳалқ, миллат цивилизацияси у яратган ёки фойдаланган ёзувга ҳам боғлиқ. Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ҳамда ҳалқимизнинг дунё фани ва маданиятида, бинобарин, тил ва нутқ маданиятида тутган ўрни, эгаллаган мавқеи ҳақида сўз юритганда бу ҳалқнинг неча минг йиллар давомида фойдаланиб келган оромий, суғд, хоразм, паҳлавий, урхун (рунник), уйғур, араб, лотин ёзувларини ва яна лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси, албатта тилга олинади. Шундай экан, ўзбек адабий тилининг шаклланиши, шубҳасиз, ўзбек ҳалқи асрлар давомида фойдаланиб келган ёзув маданиятининг такомили ҳамдир.

Ёзув муайян бир тилда қабул этилган ва кишилар ўртасидаги мулоқотга хизмат қиласиган ёзма белгилар ёки тасвирлар тизимиdir.

Ёзув – кишилик жамияти маданий тараққиётининг бошланиши, башариятнинг узоқ ва мураккаб тадрижий такомили жараёнидаги омилларнинг энг асосийларидан бири. Ёзув оғзаки тилга нисбатан иккиламчи, қўшимча алоқа воситаси бўлса-да, тилга қараганда кўп афзалликларга эга. Хусусан, тилнинг асосий вазифаси кишилар ўртасидаги алоқани таъминлашдир. Лекин тилнинг коммуникатив вазифаси ёзувсиз амалга ошмайди. Тилнинг эстетик, гносеологик (дунёни билиш) каби асосий вазифаларини ҳам ёзувсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, тилнинг инсоният қўлга киритган тажриба, билимларни сақлаш ва авлодларга етказиш каби муҳим ва қимматли вазифалари бевосита ёзув орқали бажарилади.



Кишилик жамияти яратган билим ва тажрибалар, кашфиётлар, сўз санъати дурдоналари ва бошқа қимматли ахборотларнинг барча-барчаси авлодлардан авлодларга айнан ёзув орқали етиб боради.

Ёзма нутқ - нутқ фаолиятининг репродуктив тури бўлиб, у гапириш орқали шаклланади. Инсон аввало ақлан бирон бир фикр ўйлайди сўнгра мазкур фикрни оғзаки ёки ёзма баён қиласди. Бунда техниканинг аҳамияти бекиёсдир. Ёзиш техникаси - товуш ва ҳарф муносабатлари, ҳарфларнинг турлича маъно билдириши, ҳусниҳат ҳамда имло. Ёзма нутқни ўрганиш – орфографик, яъни тўғри ёзиш қоидаларига имло қоидаларига амал қилган ҳолда оғзаки нутқда ифода этилаётган фикрларни ёзма шаклда баён қилишни ўргатишидир.

Педагогик фаолиятда ёзма нутқнинг асосий вазифаси – оғзаки нутқни қайд қилиш, уни замон ва маконда сақлашдан иборат. Ёзма нутқнинг асосий хусусияти ахборотни узоқ муддат давомида сақлаш имкониятидир. Ёзма нутқ таълим жараёнида мақсадли равишда эгаллаб борилади. Оғзаки нутқ ўқитувчи ва тингловчиларнинг амалий мулокоти жараёнида шаклланади. Ёзма нутқда эса сўз танлашга, жумла тузишга анча юқори талаб қўйилади. Ўқувчи-талабанингмантиқий фикрлаш даражасининг юқорилиги унинг ёзма

нүтқи самарадорлигини таъминлайди.¹ Ёзма нутқ ташқи томондан (айтайлик, сұхбатдош тарафидан) тузатышсиз кечади. Ёзма нутқда мулоқотнинг жонли воситалари, яъни мимика, жестлар иштирок этмайди. Демак, ёзма нутқ тил мавжудлигининг бир шаклидир. Ёзма нутқда қатъий меъёр ва тартибга солинган китобий тилдан фойдаланади. Гапларда сўзларнинг тартиби қарор топган, инверсия (сўз тартибининг ўзгариши) ёзма нутқ учун хос эмас. Айрим ўринларда масалан, нутқнинг расмий-идоравий услубида бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги ахборот жамиятида ахборот билан ишлаш маҳоратини яхши эгаллаган кишилар муваффақият қозонади. Ушбу тоифадаги шахсларнинг икки жиҳати эътиборлидир: ахборотни ишлаб чиқариш ва ахборотни идрок қилиш. Буларнинг биринчисини ёзма нутқ маданияти бўлса, иккинчисини ўқиш (мутолаа) маданиятидир.

Ёзма нутқ маданияти, бу – матнларни туза билиш маҳорати бўлиб, бундай матнлар енгил ўзлаштирилади, уларга қарор қабул қилиш осон бўлади, уларни қайта ишлаш ва қайта тузиш енгил кечади.

Ўқиш маданияти – бу матннинг туб моҳиятини, мағзини ажратиб олиш, идрок қилиш, ундан асосий ва таянч далилларни топа билиш, хulosा чиқариш, матн бўйича якуний қарор қилиш маҳоратидир¹.

Нутқимиз икки шаклда бўлади: оғзаки ва ёзма. Ҳар икки нутқ шакли олдига бир хил талаблар қўйилади: фикрни аниқ ва тушунарли бўлиши, жумланинг тўғри, равон ҳамда таъсирли қурилиши ҳар қандай нутқнинг бош фазилатидир. Шуни таъкидлаш керакки, тил мустақиллигисиз мустақил давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан тилимиз жозибаси, тилимизнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, аҳамияти, нутқ маданияти, нутқ нафосати тўғрисида билим ва кўникмаларга эга бўлишнинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Нутқ маданиятининг яна бир жиҳати шуки, фикрни ёзма шаклда ифодалашда, албатта, мантиқий изчиликка риоя қилиш мухимдир. Луғавий-грамматик, услубий меъёрлар адабий тилнинг ҳамма қўринишлари учун хос бўлса, имло ва тиниш белгиларига оид меъёрлар адабий тилнинг факат ёзма шакли учун, тўғри талаффуз меъёрлари эса оғзаки шакли учун хос бўлади. Юридик тил – юриспруденция тармоқларига оид орфографик, лексик, грамматик ва услубий хусусиятлар йиғиндисидир. Юридик тил адабий тилнинг таркибий қисми, ўзига хос қўринишга эга тил бўлиб, асосан,

¹Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. xviii-p

қонунчилик ва расмий доирада қўлланилади. Яъни юридик тил ўзига хос луғавий бирликлари, гап қурилиши, услугубий жиҳатлари ҳамда ҳуқуққа оид тушунчаларни ифодаловчи терминлари билан ажралиб туради. Барча ҳуқуқ манбалари юридик тилда ёзилади. Юридик тил ўз моҳиятига кўра бир неча турларга, яъни қонун тили, илмий юриспруденция тили, суд тили, ҳуқуқшунос-педагог тили, ҳуқуқшунос-публицист тили, прокурор тили, адвокат тили каби гурухларга бўлинади. Юриспруденция тармоқларига оид лексик-грамматик хусусиятлар умумийлиги билан бир-бирига яқин турса-да, лекин ўзига хос хусусийликларга ҳам эга бўлади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқида қўлланиладиган (*тараф, тарафларнинг тормишиуви, даъво қўзгатиши, ҳал қилув қарори, даъвони таъминлаш*) терминлар жиноят ҳуқуқида қўлланиловчи терминлар (*фирибгарлик, геноцид, номусга тегиши, терроризм*)дан тубдан фарқ қиласди.

Бадиий услуб ва сўзлашув услубида бадиий образли сўзлар, тасвирий воситалар, фразеологик бирликлар кенг қўлланилади.


Юридик тил ҳар хил беўрин қайтариклар, сўз такрорлари, тушунилиши қийин ифодалар ҳамда ортиқча сифатлашлар, кўчма маъноли сўзлардан холи бўлиши лозим. Айниқса, юридик тилнинг таркибий қисми бўлган қонун тили гап қурилиши жиҳатдан тушунилиши енгил бўлиши ва оддий фуқаро ҳам тез тушуниб оладиган талабларга жавоб берадиган бўлиши шарт.

Юридик тилда ўзлашмаган хорижий сўзлар ва терминлар қўлланилишига йўл қўйиб бўлмайди. Ўзлашган терминлар бундан мустаснодир. Ўзбек тилида муқобили бўла туриб хорижий терминларни қўллаш ҳам ўзини оқламайди. Агар юридик тушунчаларни ифодалаш учун ўзбек тилида унга муқобил сўз ёки термин топилмаса, таржимада ортиқча сунъийликка бормасдан хорижий терминларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу қоида жаҳон лингвистика фанида қабул қилинган тил қонунияти ҳисобланади. Бироқ илмий-юриспруденция тилида умумхалққа тушунарли бўлмаган, фақат юристлар, ҳуқуқшунос олимларга тушунарли бўлган сўзлар ва терминлар қўлланилиши мумкин. Бу илмий услубнинг талабидир.

Юридик тилда шевага оид сўзлар, жаргонлар, ўзлашмаган сўзлар, ўта образли ибораларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Юридик тилнинг бирламчи белгиси унинг расмий бўёққа эгалигидир. Қатъийлик, мантиқийлик, қисқалик, аниқлик каби хусусиятлар юридик тилнинг нуфузини белгиловчи меъёрлардир. Расмий ёзма юридик тилнинг асосий белгилари қуидагилардан иборатдир:

Расмий юридик тилнинг ўзига хос ҳусусиятлари:



Оғзаки нутқни шакллантириш ва такомиллаштириш кўпроқ ёзма нутқнинг такомилига боғлиқ. Ёзма нутқ юқори даражада бўлмас экан, оғзаки нутқ кўнгилдагидек бўлмайди. Шунинг учун ёзма нутқнинг барча қоидаларини билиш алоҳида аҳамият касб этади.¹

¹Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015.xv-8.



Ёзма нутқда эса тил воситаларини танлаш ва қўллашга тўлиқ имконият бўлади. Ёзма нутқни хоҳлаганча таҳрир қилиш мумкин. Ёзма нутқда оғзаки нутқдаги каби ҳаяжон бўлмайди, нотиқ шошилмасдан, ўйлаб нутқ тузади. Шу сабабдан ҳам ёзма нутқ оғзаки нутқдан қўра равон, аниқ ва изчилироқ бўлади. Ёзма нутқи равон бўлмаган юристнинг фаолиятини тасаввур қилиш қийин. Ёзма юридик нутқ барқарор ва қатъий бўлади, у ҳар доим аввалдан ўйланади ҳамда матнга туширилади.

Таниқли юристларнинг ҳеч бири ёзма нутқини такомиллаштирумасдан юқори мартабага эришмаганлар. Ёзма юридик нутқ оғзаки юридик нутқнинг ривожига бевосита таъсир этади. Оғзаки юридик нутқ, асосан, ёзма юридик нутқ асосида ривожланади.

Тилшунос олим С.Усмонов алоҳида таъкидлаганидек, ёзма машқлар – бамисоли тафаккур машқлариридир. Бирор воқеийлик ёки ҳодиса тўғрисида фикрлаш ёзма машқлар орқали такомиллашади.

Юридик ёзма нутқда қиёслаш, таққослаш, сабаб-оқибат, шарт, аниқловчи каби муносабатларни ифодаловчи қўшма гап турларидан фойдаланилади.

Ёзма юридик нутқни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш ва терминлар ҳамда сўзларнинг муқобилини танлай олиш учун ҳам назарий билим, ҳам юридик мавзулар юзасидан ёзма машқлар муҳим ўрин тутади. Хорижий давлатлардаги кўплаб таълим муассасаларида талабаларнинг нутқий билимлари уларнинг ёзма нутқларини текшириш орқали амалга оширилади.¹ Юристларимиз мунтазам равишда ёзма машқлар олиб боришлари натижасидагина ёзма нутқ борасида муҳим кўнишка ва малакаларга эга бўлишлари мумкин. Ҳукуқ-тартибот органларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг юридик хужжатларни тайёрлашларида хатоларга йўл кўйишининг асосий сабаби ҳам грамматик қоидаларни етарли ўзлаштирумаганлиги, ёзма нутқда ифодалаш малакасининг сустлигидир.

¹Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015.xv-p

Бунинг учун турли мавзуларда юридик ҳужжатлар тайёрлаш юзасидан мунтазам машқлар олиб бориш кўзланган натижаларни беради.

Шаклий ёзув қоидаси. Маълумки, соф ўзбекча сўзларнинг боши ва охирида ундошлар ёнма-ён қўлланмайди. Лекин ўзбек тилига бошқа тиллардан ўтган сўзларнинг бошида ҳам, охирида ҳам ундошлар ёнма-ён қўлланилиши мумкин: *прокурор, троллейбус, стол, стул, драма, спорт, фикр, зикр, завқ, шавқ*.

Демак, ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўзларни ўша тилларда қандай шаклда ёзилса, ўзбек тилида ҳам худди шундай шаклда ёзиш қоидаси шаклий ёзувдир: *демократия, институт, университет, кодекс, конституция*. Шаклий ёзув фанда график ёзув ҳам деб юритилади. Ана шу шаклий ёзув қоидасини яхши билмаганликлари сабабли, баъзи юристларимиз “афв” сўзини ва “афв” сўзи иштирок этган қўшма феълларни “авф” тарзида талаффуз этадилар ва талаффузларига мувофиқ “авф” шаклида ёзадилар. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида “афв” сўзига қўйидагича изоҳ берилган: Афв – араб тилидан ўзлашган сўз бўлиб, кечирим, узр маъноларини билдиради. Масалан: Сиздан бу улуғ гуноҳим учун *афв сўраб*, ҳайдалган ўғлингиз – Отабек Юсуфбек Ҳожи ўғли. А.Қодирий, Ўтган кунлар. Афв этмоқ(ёки қилмоқ) – кечирмоқ, узрни қабул қилмоқ, гуноҳидан ўтмоқ. Масалан: Бу лапашанглигимиз учун раҳномаларимиз бизни *афв этурларми?* Ҳ.Ғулом, Машъал.

Ҳозирги кунда “афв”, “афв этилсин” сўzlари ҳукуқка оид терминга айланган бўлиб, жазога ҳукм қилинганларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қарори билан қисман ёки бутунлай озод қилиниши маъноларини англатади.

Фикрнинг ёзма равища баён қилишга ўргатишни ёзув техникасини ўргатишдан бошлиш мақсадга мувофиқ. У билан боғлиқ қоидалар ўкувчи-талаба томонидан яхши ўзлаштирилгандағина мукаммал ёзув наъмунаси яратилади.¹

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p.7



Ёзув техникаси
жараёнини ўрганиш 3
босқичдан иборат:

- 1. ГРАФИКА**
(белгиларни ёзиш ва
бир-бири билан
боғлаш)
- 2. КАЛЛИГРАФИЯ**
(хусни хат)
- 3. ОРФОГРАФИЯ**
(тўғри ёзиш)

7

Ёзма юридик нутқ олдига, асосан, қуидаги талаблар қўйилади:

1. Ҳар бир сўз ёхуд термин, ҳар бир гап, жумла юридик мазмунни тўлиқ ифодалашга ва муаллиф мақсадини очишга хизмат этиши шарт.
2. Ёзма юридик нутқ имкон қадар содда ва аниқ, изчил ва мантиқли ифодаланиши лозим.
3. Ёзма нутқда ўз ифодасини топаётган фикр — юристнинг тафаккур маҳсуллари далилланган, исботланган, қонун доирасида ўз ечимини топган бўлиши зарур.
4. Ёзма юридик нутқда фикрлар расмий услугу доирасида содда ва равон, тушунилиши енгил баён этилиши керак.
5. Ўрганилган ишлар (жиноят ёки фукаролик)нинг хulosаси муқаддима ва асосий қисм билан боғланган бўлиши лозим. Шундагина чиқарилаётган хulosалар, шунингдек ҳукмлар асосли бўлади.
6. Тушунилиши қийин бўлган юридик терминлардан иложи борича фойдаланмаслиқ, агар матнда фақат юристлар ёки мутахассислар учун тушунарли бўлган терминлар қўлланилса, бундай юридик терминларга изоҳлар ва шарҳлар бериб борилиши мақсадлидир.
7. Рус тилидаги қонунлардан андаза олиш, таржима қилиш қонун моддалари мазмунига, моҳиятига салбий таъсир қўрсатади. Шунинг учун таржималардан мутлақо воз кечиб, ҳар қандай юридик ҳужжатларни миллий тил қоидалари асосида тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

“Хуқук ва тил муаммоси предметлараро тадқиқотларда янги йўналиш бўлиб, бу соҳада ҳал этилмаган ва баҳсли масалалар жуда кўп. Лекин шуниси

шубҳасизки, барча турдаги юридик фаолият учун тилни бенуқсон билиш шартдир”.

1.3. Ёзма нутқ тушунчаси. Умумлаштириш ва парофразалар.

Ёзма нутқда тил ҳодисаларидан ҳисобланган парофраза ва умумлаштириш ҳам кенг қўлланилади.

Инглиз тилидаги ушбу ҳодисалар талқини ўзбек тилига кўп жиҳатдан ўхшашидир. Жумладан, умумлаштириш ва парофразалар эссеning ёзилишида биргаликда қўлланилади. Умумлаштиришдан асосий мақсад ахборотни керакли даражада камайтириш, узун бўлган манбаларни ўқувчи тушуниши учун қисқартириш ҳисобланса, парофраза эса бирон бир матн шаклини унинг маъносини ўзгартирган ҳолда бошқа сўзлар билан айтиб беришни назарда тутади. Уларнинг иккаласини қўллаш плагиат хавфини камайтиради¹.

1. Яхши умумлаштиришини шакллантириши учун нима қилиши лозим?

Умумлаштириш ва қисқача хulosса ясаш кундалик ҳаётимиздаги ишлардан бири ҳисобланади. Умумлаштириш, асосан, предметнинг асосий жиҳатларини ёритища қўлланилади.

2. Умумлаштиришининг амалга ошириши босқичлари

Умумлаштириш ва якун ясаш ўзгарувчан инструмент ҳисобланади. Ўз эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда, муаллиф бир гапдан иборат жадвал ёки янада кўпроқ маълумотларни шакллантириши мумкин. Одатда умумлаштириш асосий ғояларга таянади, шу сабабли турли мисолларни истисно этади. Ҳар бир ҳолатда юқорида келтирилган мезонларга мос асосий ҳаракатлар амалга оширилиши лозим.

Мисол. Куйидаги берилган асосий ҳаракатларни ёд олинг ва уларни кетма-кетлигига назар солинг.

(1) Асл матнни қайтадан ўқиб чиқинг, янги ва қийин бўлган сўзларни ўрганиби чиқинг.

(2) Муҳим бандларни аниқланг, уларни белгиланг ва биринчи режа сифатида олдинга суринг.

(3) Калит сўзларга нисбатан ўз изоҳларингизни кўрсатинг ва зарур ҳолда уларни бошқа сўзлар билан ўзгартиринг.

(4) Умумлаштиришни ўз нуқтаи назарингиздан келиб чиқиб ёзинг, керак бўлса матн тузулишини ўзгартиринг.


¹Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p.42

(5) Матнда ҳеч нарса ўзгармаганлиги ва ўчириб юборилмаганлигини тасдигини топиш мақсадида умумлаштиришни текширинг.



Тасвирий ифода нарса-ходисани образли ифодалаш асосида вужудга келади.

Бундай ифодалар нутқий таъсирчанликни таъминлаш, нутқ жараёнида сўзларни такрорламаслик имконини яратади. Тасвирий ифода асосан от ва



сифат туркумидаги сўзлардан ташкил топади.

Парафраза ва умумлаштиришлар, юқорида айтиб ўтганимиздек, эссе ёзишда биргаликда қўлланилади, аммо умумлаштиришнинг мақсади маълумотни керакли ҳажмга камайтириш бўлса, парафразанинг мақсади зарур маълумотни бошқа сўзлар билан ифода қилишни англатади. Масалан, “18 асрда Франция ва Германияда эмас, балки Буюк Британияда бўлиб ўтган Саноат инқилобининг сабабларига оид музокаралар кўп бўлган” номли жумла қуидагича ўзгартирилиши мумкин:

“Саноат инқилоби 18 асрда Европанинг бошқа мамлакатларида эмас, балки айнан Буюк Британияда бўлиб ўтганлиги кескин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган”.¹

Шуни таъкидлаш лозимки, самарали перафраза қуидаги белгиларга эга:

- асл матнга нисбатан бошқача тузилишга эга;
- турли луғавий сўзларга эга;
- матннинг асл моҳиятини сақлаб қолади;
- асл матнга оид маълум жумла ва сўзларни ўз ичига олади (масалан, “Саноат инқилоби” ёки “18 аср”).

Парафраза учун қўлланиладиган услублар

(а) Синонимлар ёрдамида сўзларни ўзгартириш:

низолашибиши ва талабнома киритиш / 18 асрва 1700 йиллар / иши ҳақи ва ойлик маоши / қисқартишиши ва тежсаси.

(б) Нутқ шаклини (қисмини) ўзгартириш:

тушунтириш–тушунтиromoқ / механик– механизациялаштириш / фойдали – фойда келтиromoқ.

(в) Сўз таркибини ўзгартириш:

...Саноат инқилобининг Буюк Британия бўлиб ўтганлигининг энг мақбул тушунтирилиши – таклиф омилларининг ўрганилиши.

...Таклифларга эътибор берини Саноат инқилобининг Буюк Британияда бўлиб ўтганлигини тушунтиради.

Амалиётда ушбу уч услублар бир вақтда қўлланилади. Ҳар бир сўзнинг парафраза қилиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки айрим сўзлар синонимга эга эмас (масалан, талаб, иқтисодиёт)².

¹Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015.p.47

²Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015.p.49


1.4. Ўзбек ёзма юридик тилда орфография талаблари

Ёзма нутқ қўникмаларини тўлиқ эгаллаш учун эса адабий тил меъёрларини билиш ва унга риоя қилиш шарт. Бунда орфографик меъёрлар ёзма нутқнинг характерли хусусиятии очиб беради. Орфография (юонча *orthos* — “тўғри”, *graipo* — “ёзаман”) — тўғри ёзиш меъёрларини ўргатади. Бу меъёрларга риоя қилиш нутқининг аниқ, равон ва равshan бўлишига ёрдам беради. Орфография товуш ва ҳарфлар, сўз ва унинг маъноли қисмлари, кўшма сўз қисмларининг қўшиб, ажратиб ва чизиқча орқали ёзилиши, бўғин кўчириш ҳамда бош ва кичик ҳарфларни ишлатиш ҳақидаги ягона қоидалар тизимидан иборат.

Орфографик принциплар. Ўзбек орфографияси фонетик, морфологик ва анъанавий принципларга асосланади. Шунингдек, айрим сўзлар дифференциация принципи асосида ёзилади. Фонетик принцип. Бу принципга кўра сўзлар талаффуз қилинишига мос равища ёзилади, сўзнинг талаффуз этилишида юз берган фонетик ўзгаришлар ҳисобга олинади: қамоқ – қамоғи, бурун – бурни. Фонетик принципда сўзнинг айтилиши билан ёзилиши бир-бирига мос келади.

Морфологик принцип. Бу принципга кўра сўз ва унинг қисмлари, морфемалар ягона умумий шаклда ёзи лади. Бу принципнинг муҳим хусусияти шундаки, сўзларнинг маъноли қисмлари қандай талаффуз қилинишига қарамай, доим бир хилда, ягона шаклда ёзилиши таъминланади. Масалан, кетди, чопди, юрибди сўзлар кетти, чопти, юрипти тарзида айтилса ҳам, доим ягона шаклда ёзилади. Морфологик принципда сўзнинг айтилиши билан ёзилиши бир-бирига мос келмайди. Юридик тилда ҳам қатор сўзлар морфологик жиқатдан мураккаб қурилишга эга. Демак, морфологик принцип юридик тил орфографиясининг ҳам етакчи принципидир.

Анъанавий принципда сўз ва морфемалар анъанага айланиб қолган қоидалар асосида ёзилади. Бу принципга кўра ҳам сўзнинг айтилиши унинг ёзилишидан фарқ қиласи. Лекин бунда морфологик принципдаги сингари морфеманинг ягона шаклланишига, грамматик қоидага риоя қилинмайди. Аксинча, сўзларнинг ҳарфий ифодаси уларнинг тарихан ўзлашиб сингиб кетган шаклига teng келади: муомила (муомала), қатъи назар (қатъий назар), олижаноб (олиижаноб) каби.



Умумий тилшуносликда ёзма нутқ ҳақида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, академик ёзув қоидаларига бағишлиланган “Academic Writing” китобида ёзма нутқ, унинг услублари ҳақида қизиқарли фикрлар баён этилган. Масалан, академик ёзувнинг ҳозирга қадар аниқ, яқдил услуби мавжуд эмас. Умумий қилиб айтганда, у аниқ, холис ва кенг фикрлашни талабқилади. Академик ёзувда кишилик олмошлари (“I”-мен) ва идиомалар (норасмий тил), бошқа ёзув турларига нисбатан камроқ ишлатилади¹. Ҳар бир мутахассислик вакиллари, академик ёзувдан ўз мутахассислиги доирасида фойдаланиши ва ўз соҳасига мувофиқ келадиган услубларни ишлаб чиқиши мумкин.

1. Академик ёзувнинг таркибий қисмлари

Академик услуб учун, барча ҳолатлар ва фан соҳаларига мос келувчи қоидалар мавжуд эмас. Қуйидаги кўрсатмалар ўз услубингизни ривожлантириш учун ёрдам бериши мумкин.

(а) Идиоматик ва сўзлашув тилига оид жумлалардан фойдаланманг: *босс, кидс*. Уларнинг ўрнига адабий тилдаги муқобилини қўлланг: *манагер, чилдрен*.²

(б) Сўзлардан аниқлик билан фойдаланинг. Масалан, **қонун биланқоида, иқлим биланоб-ҳаво** ўртасида фарқлар мавжуд. Улардан танланган мавзуу доирасида фойдаланинг.

¹Stephen Bailey.“Academic Writing: A Handbook for International Students”Fourth Edition. 2015.p.138

²Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students”Fourth Edition.2015.p.139

(в) Рақамлар ва аниқ маълумотлар билан ишлаётганда, имконият даражасида пухталик билан ишланг. “*Юз йилча олдин*”, “*юз йиллар атрофида, чамасида*” каби бирикмалардан фойдаланмаганингиз маъкул. Агар микдорни аниқ билмасангиз, аммо ифодаланаётган маълумот мухим ҳисобланса, “*юз йилларатрофида*”га қараганды “*тажминан юз йил аввал*” каби бирикмадан фойдаланганингиз мақсадга мувофиқдир.



Академик услугуб учун, барча ҳолатлар ва фан соҳалариға мос келувчи қоидалар мавжуд эмас.

Рақамлар ва аниқ маълумотлар билан ишлаётганда, имконият даражасида пухталик билан ишланг.

(д) Хулосаларда тажрибада қўлланилган сўзлардан фойдаланиш зарур. “*Ишизлик жиноятлар сони ортишига сабаб бўлади*” каби мутлақлик маъносини берувчи бирикмалардан фойдаланмаган маъкул. Уларнинг ўрнига “*Ишизлик жиноятлар сонининг ортишига сабаб бўлиши мумкин*” ёки “*жиноятлар сони ортиши эҳтимолини ошириши мумкин*” каби эҳтимоллик маъносини берувчи бирикмаларни ишлатиш зарур.¹

(э) Шахсий ҳолатни ифодаловчи *хайрият, ажойиб, ҳайратланарли* каби равишлиардан фойдаланманг.

¹Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students”Fourth Edition.2015.p.139

(ф) Адабий тилда бўлмаган қисқартма сўзлардан фойдаланманг: ўзбек тилида: **б-н, у-н у/**. Уларнинг тўлиқ шаклини ишлатинг: **билинг, учун, улар**.

(г) Гарчи, академик тилда мажхул нисбат, адабий тилга қараганда кенгроқ кўлланилсада, бу ҳар доим ҳам тўғри бўлмаслиги мумкин. Аммо ўз ўрнида ҳар иккиси ҳам аҳамиятлидир. Қиёсланг:

Галилей Юпитернинг йўлдошларини кашф қилган.

Юпитернинг йўлдошлари Галилей томонидан кашф қилинган.

Биринчи ҳолатда сўз ургуси Галилейга тушмоқда, иккинчисида эса, Юпитернинг йўлдошларига.

(х) Фикрни бошлашда. *Нима учун 1914йилда уруши бошланди? каби*¹.

Яна бир муҳим масала. Қатор матнларда ўзбек тили, шу жумладан, юридик тилнинг қоидаларида ўз аксини топган бош ҳарфлар имлосига риоя қилинмаяпти. Қуйида ёзувда қандай ҳолатларда сўз ва бирикмалар бош ҳарфлар билан ёзилиши алоҳида берилимоқда.

Бош ҳарфлар имлоси. Имло қоидаларини ўрганиш саводхонликнинг асоси ҳисобланади. Айниқса бош ҳарфлар имловий меъёрларини ўрганиш ҳам нутқ маданиятининг мезонларидан биридир. Ўзбек тилида бош ҳарфлар қуидаги ҳолатларда қўлланилади:

1. Киши исмлари, фамилиялари, тахаллуслар бош ҳарф билан ёзилади:
Ўқтам, Ҳалима Алиқулова, Ойбек.
2. Жой номлари бош ҳарф билан ёзилади: Тошкент, Музработ, Оқтош, Зарафшон, Шимолий Кавказ.
3. Юлдуз ва сайёralар, бошқа осмон жисмларининг атоқли отлари бош ҳарф билан ёзилади: Ҳулкар, Мирриҳ, Марс, Ер, Куёш, Ой (сайёра номи бўлиб келса)
4. Маданий-маиший ва савдо корхоналари, адабиёт ва санъат асарлари, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, транспорт воситалари ва сув иншоотларига кўйилган номлар бош ҳарф билан ёзилади: “Сурхон” (мехмонхона), “Наврўз” (жамғармаси), “Ўтган кунлар” (романи), “Пахтакор” (стадиони).
5. Муҳим тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади: Мустақиллик куни, Хотира куни, Наврўз байрами.
6. Давлатларнинг давлат олий ташкилотлари ва мансабларининг, халқаро ташкилотларнинг номидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан ёзилади: Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Раиси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Тинчлик Кенгаши.

Бошқа таркибли номларда, жумладан, вазирлик, идора, корхона ва ташкилотлар номидаги мансабларни билдирувчи биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади: Бош вазирнинг ўринбосари, Мудофаа вазири, Ёзувчилар уюшмаси.

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p. 138-139

Фанлар академияси, Шарқшунослик институти, Фан ва техника давлат кўмитаси.

7. Давлатнинг олий даражадаги мукофоти номи таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан ёзилади: “Ўзбекистон Қаҳрамони” (унвон), “Олтин Юлдуз” (медаль). Бошқа мукофотлар фахрий унвонлар нишонлар номидаги биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади: “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, “Соғлом авлод учун” (орден), “Матбаа аълочиси” (нишон).

8. Шеърий асарларнинг ҳар бир мисраси бош ҳарф билан ёзилади:
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилган олур.

9. Таркибли номларнинг бош ҳарфидан иборат қисқартмалар бош ҳарф билан ёзилади: ВМТ, МДХ, АҚШ.

10. Қисқартма таркибидаги бўғинга teng бўлган қисмларнинг биринчи ҳарфи бош ҳарф билан ёзилади: ЎзМУ, СамДУ, ЎзФА.

11. Гапнинг қисмлари қавсли рақам ёки қавсли ҳарф қўйиб саналса, бундай қисмлар кичик ҳарф билан ёзилади. Масалан, сонлар иккига бўлинади: а) бутун сон, б) каср сон.

Замонавий инглиз тилида бош ҳарфлар имлоси юзасидан айнан **чегараланган** қоидалар бериш мушқул. Бош ҳарфларни қўллаш аниқ қоидаларига қўйидаги холатларда амал қилинади:

- а) гап бошидаги сўз;
- б) кун ва ой номлари;
- в) миллат номлари;
- г) атоқли отлар;
- д) китоб номлари;
- е) фан номлари;
- ж) ташкилот номларини ёзишда.¹

¹Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students”Fourth Edition.2015. p.129

Бош ҳарфлар имлоси

- Киши исмлари, фамилиялари, тахаллуслар
- Жой номлари Юлдуз ва сайёralар, бошқа осмон жисмлари
- Маданий-маиший ва савдо корхоналарига, адабиёт ва санъат асарлари
- Маданий-маиший ва савдо корхоналари, адабиёт ва санъат асарларининг номлари
- Муҳим тарихий сана ва байрамларнинг номлари
- Давлатларнинг давлат олий ташкилотлари ва мансаблари
- ҳалқаро ташкилотларнинг номидаги ҳар бир сўз
- Давлатнинг олий даражадаги мукофоти номи
- Таркибли номларнинг бош ҳарфидан иборат қисқартмалар Шеърий асарларнинг ҳар бир мисраси
- Қисқартма таркибидаги бўғинга тенг бўлган қисмларнинг биринчи ҳарфи
- Гапнинг қисмлари қавсли рақам ёки қавсли ҳарф қўйиб саналса, .



Демак, тўғри, аниқ, саводли ёзиш учун адабий тил имкониятлари, қоидалари ва талабларидан мазмунга мос сўзни танлай олиш қобилиятини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун сўзни ўринсиз тақрорламаслик, сўз шаклини, гап турини тўғри қўллаш, ҳар бир услубнинг ўзига хос белги ва мезонларини онгли идрок қилиш мақсадга мувофиқдир. Ёзма нутқ маданияти инсоннинг шахсий маданий савияси мезони бўлганлиги учун кишидан катта меҳнат талаб этилади. Юристлар эса юқорида қайд этилган кўрсатмаларга тўла амал қилишлари билан бирга юридик тилнинг барча меъёрлари ва мезонларини зарур даражада ўзлаштиришлари мақсадга мувофиқдир. Юристлар юридик матнларидағи юридик тил талаблари моҳиятини тўғри англаб етишлари ва уларни ўз ўрнида қўллашга риоя қилишлари зарур.

Академик ёзув қоидаларига бағишланган “Academic Writing” китобида келтирилган топшириқлар *Cohesion – бирикиши (бирикма)*

Таъкидловчи сўз ва боғловчи сўзниңг қўшилишидан вужудга келадиган ва матнни аниқ ҳамда ўқиши учун маъноли бўлишига хизмат қиласиган лингвистик ҳодиса – бирикиш (cohesion) дейилади. Ушбу бўлимда таъкидловчи сўзларни қандай қўллаш ўргатилади.

1. Таъкидловчи сўз. (Ўзбек тилида изоҳловчи) Мисол тариқасида:¹

Леонардо да Винчи яратган **асарларидан** бизгача фақатгина айримлари етиб келган. Шунга қарамай, **уларнинг** ичидаги “**Мона Лиза**” ва “**Махфий кечা**” кабилар борки, улардан **бириңчисини** дунёдаги энг машҳур сурат деб баҳолаш мумкин. У асосан ижодкор сифатида ёдга олинишига қарамай, у ҳам, ихтирочи муҳандис, ҳам олим, ҳам анатомик бўлган. **Унинг ихтиrolари** ичидаги танклар, учар машиналар бўлган. **Уларнинг** жуда оз қисми унинг ҳаётлик пайтида яратилганига қарамай, у ҳали ҳам **бу ихтиrolарнинг** реалликка айланишини кўрган инсон сифатида эсланади.

Кўйида таъкидловчи сўзларнинг матннаги вазифалари келтирилган:

Леонардо да Винчи	Асарлари	Мона Лиза	Ихтиrolари
У/унинг	Улар	Бириңчиси	Булар/уларнинг

Кўйида сўз ва иборалардан мисоллар келтирилди:

Олмошлар: мен, сен, у ва ҳ.к

Эгалик олмошлари: менинг, сенинг, унинг, уларнинг ва ҳ.к

Тўлдирувчи олмошлар: мени, менга, сени, сенга, уларни, уларга ва ҳ.к

Кўрсатиш олмошлари: бу, у, булар, улар(бу сўзлар ўзидан кейин от талағ қиласади)

Бошқа иборалар: биринчи, иккинчи, охирги ва шу кабилар.¹

2. А Машғулот.

Кўйидаги матнни ўқинг ва жадвални тўлдиринг. Ла Феррера янги бизнеснинг ҳаёт чизиқларини ҳаётга тадқиқ қилиб чиқди. Бунинг натижасида уларнинг яшаш даври фақатгина 4.7 йилга teng эканлигини аниқлади, бунинг учун 2 та асосий сабабни кўрсатди: бири – иқтисодий; бири – ижтимоий. 1-сида сармоя етишмаган бўлса, 2-сида бозордаги муваффақиятсизликдир. Ла Феррера буларнинг 70%и бизнес муваффақиятсизликдир, деб ҳисоблайди.¹

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. P. 96.

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015.p.98

Таъкидланувчи	Таъкидловчисўз/бирикма
Ла Феррера	У
янги бизнес	
Ўрт. ҳаёти 4.7 йил	
иқтисодий	
ижтимоий	
биринчиси..., иккинчиси...	

3. Чалкаштирувчи ҳолатлар. Ўқувчини чалкашишини олдини олиш учун, таъкидловчи сўзни фақат таъкидланувчи аниқ бўлган ҳолларда ишлатиш керак. Масалан: *Пабло пикассо 1904-йилда Парижга кўчиб келган ва 1908-йилдан 1909-йилгача Жорж Брак билан ишлаган. У кубизмга олиб борувчи, шакллар таҳлилига қизиқиб қолган.*



Юқоридаги ҳолатда, “у” олмоши Пикассо ёки Бракдан қайси бирини таъкидлаётганини билишда, ўқувчида чалғиши юзага келади. Бунинг олдини олиш учун, қуйидагича ёзиш мақсадга мувофиқ бўлади: *Пабло пикассо 1904-йилда Парижга кўчиб келган ва 1908-йилдан 1909-йилгача Жорж Брак билан ишлаган. Пикассо кубизмга олиб борувчи, шакллар таҳлилига қизиқиб қолган*¹.

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p.98

4. Б Машгулом

Қуйидаги матнда тушириб қолдирилган сўзлар ўрнига, келтирилган сўзлардан мосини қўйинг.

Энди Варҳол 1987 йилда 58 ёшида вафот этганида, жуда кам одамлар _____ яқин орада дунёдаги энг қиммат ижодкорлардан бирига айланишини тахмин қилишган. 2007 йилда, _____ сотилган асарлари жами нархи миқдори 428 миллион долларга етди. 1 йил ўтиб, _____ “Eightelvises” сурати 100 миллион доллардан зиёдга сотилди ва _____ санъат асари учун тўланган энг қиммат нархлардан бирига айланди. _____ ижодий хаёти давомида, 10000 дан ортиқ асарлар яратган ва мутахассисларнинг фикрича, _____, бундан кейин ҳам коллекциячилар орасида машҳур бўлиб бораверади. Варҳолнинг _____.

5. Машгулом

Қуйидаги матнни ўқинг ва белгиланган сўзларни мувофиқ келувчи таъкидловчи сўзлар билан алмаштиринг.

Велкро.

Велкро – кийимлар ва пойабзаллар билан ишлатиладиган мато бириктиргич. **Велкро** швейдцар муҳандиси Жорж де Местрал томонидан ихтиро қилинган. **Местралга** бу фикр, баъзи ўсимликлар уруғида бўладиган жажжи илмоқларни кўргач келган. **Жажжи илмоқлар** ҳайвонлар танасига ёпишиб қолган ва уруғларнинг ёйилишига ёрдам берган. Велкронинг икки томони бор, бир томони кичик илмоқлар билан қопланган, иккинчи томонида кичик ҳалқалар мавжуд. **Бу илмоқчалар ва ҳалқалар** бир-бирига босилганда, улар мустаҳкам бирликка айланади. **Местрал, Местралнинг** ихтиросини мукаммаллаштириш учун 8 йил вақт сарфлади ва уни французча “velour” ва “crochet” сўзларидан олиб, “велкро” деб номлади. **Ихтиро** 1955 йилда патентланди ва бугунги кундайилига 60 миллион метр велкро сотилади.

6. Д Машгулом

Қуйидаги маълумотлардан фойдаланиб нейлон ихтироси ҳақида матн тузинг, унда таъкидловчи сўзларнинг ишлатилишига эътибор қаратинг.

Ихтирочи:

Валлейс Карозерс

Компания:

Дюпонт корпоратцияси (АҚШ)

Карозерснинг лавозими:

тадқиқот маркази директори

Карозерснинг маълумоти:

полимерлар мутахассиси

Ихтиронинг хусусияти: мустаҳкам тола
Патентланган: 1935 йил
Кенг ишлаб чиқарилиши: 1939 йилдан
Кўлланилади:

1

Generalisations – Умумлашган сўз

Умумлашган сўз, мавзу ҳақида тушунча бериш мақсадида қўлланилади. Улардаги маъно кучли бўлишига қарамай, улар содда, оддий бўлгани учун тушунишга қийинчилик туғдирмайди. Жуда оддийлик ва ноаниқликнинг олдини олиш учун уларни жуда эҳтиёткорлик билан ишлатиш шарт. Ушбу бўлим аниқ ва самарали умумлаштиришни ўргатади.

1. Умумлашган сўзниң ишлатилиши:

Умумлашган сўз, мавзу ҳақида оддий тушунча бериш учун қўлланади.
Қиёсланг:

Буюк Британияда чекувчиларнинг кўпчилиги аёллар.

Буюк Британия чекувчиларининг 56.2 фоизини аёллар, 43.8 фоизини эркаклар ташкил қиласди.

Иккинчи сўз аникроқ бўлишига қарамай, биринчи сўз эслаб қолиш ва тушуниш учун осонроқдир. Ёзувчи, қачон аниқлик кераклигини ва қачон умумлашган сўзни ишлатиш маъқуллигини билиши керак.

2. Тузилиши

Умумлаштирувчи сўз икки йўл билан ҳосил қилиниши мумкин:

(а) Кенг тарқалган усул - кўплик сонини ишлатиш:

Компьютерлар бизнинг ҳаёт тарзимизни тубдан ўзгартириб юборди.

(б) аниқ артикл (the) ва бирлик сонини биргаликда ишлатиш (асосан расмий):

Компьютер бизнинг ҳаёт тарзимизни тубдан ўзгартириб юборди.

Умумлаштирувчи сўзларда мутлақлик маъносини берувчи бирикмаларни ишлатмаган маъкул:

Ёши болалар чет тилларини осон ўрганадилар.

Бундай сўзларни ишлатиш ҳавфли бўлиши мумкин, чунки уларда ғайриоддийлик бўлиши мумкин. Уларнинг ўрнига эҳтимоллик маъносини берувчи бирикмаларни ишлатиш афзаллоқдир:

Ёши болалар чет тилларини осон ўзлаштиришига мойил бўладилар¹.

¹Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. Fourth edition. 2015.p.99

Матн структураси, хусусан, илмий матнга оид талабларқүйидагица талқин қилинган. Илмий иш бошқа муаллифнинг тадқиқоти ва фикрлариға ҳам боғлиқдир, шу сабабли, ўз илмий ишиңгизда қайси манбалардан маълум бир мақбул усулда фойдаланганлигинизни кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу бобда қуйидаги масалалар ёритилади:

- матндағи иқтибослар шакли;
- ҳаволаларнинг асосий тизимлари;
- иқтибослардан фойдаланиш;
- адабиётлар (ҳаволалар) рўйхати жойлашганлиги.

1. Ҳаволалардан нима учун фойдаланилади?

Ҳавола ва иқтибослардан қуйидаги мақсадда фойдаланилади:

- (а) Мавзу бўйича муҳим қўшимча манбаларни таҳлил қилганлигинизни кўрсатиш учун, бу эса илмий ишиңгиз салоҳиятини кўпайтиради.
- (б) Агар мавзу чукурроқ ўрганилмоқчи бўлса, қўшимча адабиётларни топишга имкон беради.
- (в) Плагиат бўлмаслиги учун.

2. Иқтибослар ва ҳаволалар

Ўз илмий ишиңгизда фойдаланилган бошқа муаллифларнинг адабиётини тўғри келтириб ўтиш муҳим саналади. Сиз ушбу манбаларни умумлаштириш/парафраза, иқтибос ёки иккала шаклда ҳам қўллашингиз мумкин. Ҳар бир ҳолатда илмий ишиңгиз сўнгидаги адабиётлар рўйхати билан алоқани таъминлаш учун иқтибослар қўлланилади:

Смит (2009) таъкидлаганидек, спорт амалий транспорт воситаларининг (Sports Utility Vehicle) машҳурлиги номақбул ҳисобланади, чунки улар юқори қийматга эга эканлигига қарамасдан, улар деярли йўлдан четда қўлланилмайди. Унинг нуқтаи назарига кўра, “улар йўлларда, атроф муҳитда ва йўлнинг тирбандлигида ҳавфсизликни таъминлаш учун ёмон ҳисобланади” (Смит, 2009: 37).

Ҳавола:

(Smith, M. (2009) Power and the State. Basingstoke: Palgrave Macmillan).

3. Ҳаволавий феъллар

Умумлаштириш ва иқтибослар, одатда, ҳаволавий феъллар орқали амалга оширилади:

Смит (2009) муҳокама қилаётганидек...

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. Fourth edition. 2015. p.116

Янович (1972) талаб қилганидек...

Ушбу феъллар ҳам ҳозирги замон, ҳам ўтган замонда қўлланилиши мумкин. Одатда, ҳозирги замонни қўлланилиши манба янгилиги ва ҳали ҳануз амалда эканлигини кўрсатса, ўтган замон эса манба эскирганлигини ёки эскириши мумкин эканлигини билдиради, лекин бу ҳолатда аниқ қоидалар мавжуд эмас. Айрим фанларда эскироқ бўлган манба ҳам фойдали бўлиши мумкин¹.

4. Ҳаволалар тизими

Академик оламда турли фанлар томонидан қўлланиладиган бир неча асосий ҳаволалар тизими мавжуд. Бу ҳақда ўқитувчингиз йўлланма бериши мумкин ёкисиз уларни адабиётларнинг веб-сайтидан топишингиз мумкин.



Ҳаволалар одатда, кўпроқ гуманитар фанларда қўлланилиб, улар ҳар бир бетнинг охирида ёки ишнинг сўнгига келтириб ўтилади.

Ҳавола – тингловчилар турли ахборотни олиш учун аниқ маълумотномалардан фойдаланишидир.

Ҳар қандай тизимда энг муҳим жиҳатлар доимий бўлиши лозим (яъни айнан бир хил шриф, пунктуация ва ш.к. эга бўлиши лозим).

Қуйидагилар инглиз тили доирасидаги муҳим тизимлар саналади:

(а) Гарвард тизими - асосан, ижтимоий фанлар ва бизнесда кўп қўлланилади.

¹Stephen Bailey. "Academic Writing: A Handbook for International Students" Fourth Edition. 2015. Fourth edition. 2015. p.99

(б) Ванкувер тизими – тиббиёт ва фанда кўп қўлланилади. Қавсдаги рақамлар иқтибосдан кейин қўлланилади ва рақамланган ҳаволалар тизими билан боғлиқ бўлади:

Джейсанофф, (5) фикр билдиришича, қўндаланг инфекция ҳавфи ортмоқда.

Ҳавола

(5) Jasenoff, M. Tuberculosis: A Sub-Saharan Perspective. New York: Schaffter (2001)¹.

(в) Илмий ишдаги ҳавола рақамлари кетма-кетликда берилади:

Француз инқилобининг асоратлари бутун Европада сезилди.

Karl Wildavsky, The End of an Era: Spain 1785–1815 (Dublin: Dublin University Press, 2006), p. 69.

Ҳавола – мураккаб мавзу бўлиб, тингловчилар турли ахборотларни олиш учун онлайн маълумотномалардан фойдаланишлари лозим. Англияда турли университетлар ушбу хизматларни амалга оширишади. Сассекс университети турли тизимлар бўйича қулай маълумотномани тақдим этади:

www.sussex.ac.uk/library/infosuss/referencing/index.shtml

4. Иқтибослардан фойдаланиши

Иқтибослардан фойдаланишбошқа муаллифнинг бирламчи сўзларини ўз ишингизда келтиришингизни англатади. Иқтисбослар самарали ҳисобланади, лекин улардан фойдаланишда суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик лозим (масалан, иш қўламини кўпайтириш учун). Улар қуйидаги ҳолларда қадрли ҳисобланади:

- бирламчи сўзлар фикрни ўзига хос равишда ифодалashi учун;
- бирламчи манба сизнинг умумлаштирганиз бўлиши лозим бўлган ҳажмдан қўра кичикроқ бўлса;
- агар бирламчи манба машҳур бўлса.

Шу боис иқтибос беришнинг ўзига хос талаблари ва қоидлари мавжуд. Унда янгиш кетган ҳар бир жиҳат илмий иш самарасига жиддий путур етказиши мумкин. Шу билан бирга бошқа илмий манбадан олинаётган фикр матн ичida берилиши мумкин (агар матн илмий хусусиятга эга бўлмаса).

Барча иқтибослар манбани қўрсатиш ва иқтибос муаллифнинг фикрларига мос келадиган жумла билан бўлиши лозим:

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. Fourth edition. 2015. p.118

Иқтибос:

- Кириш жумласи
- Муаллиф
- Ҳавола феъли
- Иқтибос матни
- Иқтибос йили ва бети



Кириш жумласи – ушбу фикр кенг қўлланилган

Муаллиф – Фридманнинг фикрича

Ҳавола феъли – таъкидлаганидек

Иқтибос матни – “Инфляция – қонунчиликсиз қўлланилиши мумкин бўлган солиқقا тортиш шакли”

Иқтибос йили ва бети – (1974. 95-б.).

(а) Инглиз тилида қисқа иқтибослар (2–3 сўзлар) битталик қўштириноққа олинади. Иқтибос ичидаги иқтибос келтирилганда, иккиталик қўштириноқ қўлланилади. Инглиз тилида бу қўйидагича берилади:

Джеймс таъкидлади: ‘Мартиннинг “ички фазо” тушунчаси чуқурроқ таҳлилни талаб этади’.

(б) Катта бўлган иқтибослар ёки қисқартириллади (керакли шакли кесиб олинади), ёки / вакиҷик шаклда қоғозга чиқарилади. Бу ҳолатда қўштириноқлар керак эмас.

(в) Бетлар раками иқтибос санасидан кейин берилади.

(г) Иқтибосда берилган сўзлар асл манбага мослигини кафолатлаш учун эҳтиёткор бўлиш лозим. Маълум бир сўзлар олиб ташланган ҳолатда учта нуқта қўлланилади (...), бу эса қаерда олиб ташланган жумла жойлашганлигини қўрсатади:

Жуда кам ихтиrolар ... mobil telefon каби аҳамиятли бўлган.

(д) Иқтибос фикрни аниқлаштириш мақсадида сўз ёки жумла қўшилиши мумкин. Улар квадрат қавслар орқали қўшилади:

замонавий [озодлик] фикрлари кескин тарзда қадимги дунё фикрларидан фарқ қиласди...

К.Хоффман муаллифлигидаги Чораклик Ривожланиш (Development Quarterly) журналининг (34 сон, 85-97 бетлар, 2012) ‘Мобил инқилоб’ номли мақоласидан олинган параграфни ўрганиб чиқинг¹.

Охирги ҳисоб-китобларга кўра дунёда камида 4 миллиард мобил телефонлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ривожланаётган мамлакатлардаги кишшитарга тегишили. Телефонга эзатик қилиши ривожланган дунёда ўз чуққисига 2007 йилда етди, шу туфайли Хитой, Ҳиндистон ва Бразилия каби мамлакатлар ўсишинг энг юқори кўрсаткичларига эга. Ночор, транспорт тармоқлари кучсиз ва почта хизматлари ишончли бўлмаган мамлакатларда телекоммуникациялардан фойдаланишига имкон топиш бизнесни бошлиш ва ривожлантириши учун ҳаётий восита ҳисобланади, чунки бу кенгроқ бозорга йўл очади. Гадқиқотлар шуни кўрсатадики, оштанинг фойда кўриши даражаси ортгани сари, бошқа маҳсулотларга нисбатан кўпроқ маблаглар мобил телефон сотиб олишига сарфланади.



Қўйидагиларни солиширинг:

(а) Умумлаштириш

Хоффман (2012) таъкидлашича, энди мобил телефонлар учун асосий бозор – ривожланаётган мамлакатлар ҳисобланади ва ушбу мамлакатларда кичик бизнес корхоналари ривожи учун мобил телефонлар муҳим аҳамият касб этади.

(б) Иқтибос

Хоффманнинг сўзларига қараганда, мобил телефонга бўлган мулкдорлик ривожланаётган мамлакатларда инфратузилманинг кучсиз томонларини қоплади: ‘Ночор, транспорт тармоқлари кучсиз ва почта хизматлари ишончли бўлмаган мамлакатларда телекоммуникациялардан фойдаланишига имкон топиш бизнесни бошлиш ва ривожлантириши учун ҳаётий восита ҳисобланади, чунки бу кенгроқ бозорга йўл очади (2012: 87).

¹Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. Fourth edition. 2015. p.99

(с) Умумлаштириш ва иқтибос

Хоффман кўрсатишича, мобил телефонига бўлган мулкдорлик ўсишининг асосий қисми ривожсланаётган мамлакатларда кузатилмоқда, бу ерда ушибу ҳолат бизнес юритиш учун муҳим ҳисобланади: ‘...телеқоммуникациялардан фойдаланишига имкон топиш бизнесни бошлиши ва ривожлантириш учун ҳаётий восита ҳисобланади, чунки бу кенгроқ бозорга йўл очади (2012: 87).

8. Иккиламчи ҳаволалар

Ўз илмий ишингизни ёзганингизда маълум манбада кўрсатилган бошқа манбадан фойдаланингиз мумкин, бунда бутун китобни ўқиб чиқиш шарт эмас. Бу ҳолат иккиламчи иқтибос дейилади:

Грехемнинг (2011: 241) асарида назарда тутилган Поленда (2008) томонидан билдирилган фикрга кўра . . .

9. Ҳаволалар (адабиётлар) рўйхатини тузши

Ҳаволалар (адабиётлар) рўйхатини автоматик тарзда тузадиган қўплаб дастурий таъминотлар мавжуд (масалан, RefWorks ёки Endnote). Уларнинг бирини қўллан нафақат вақтни тежашга, балки аниқроқ натижага эришишга имкон беради.

Эссе ёки мақоланинг сўнгига илмий ишда фойдаланилган ва иқтибос келтирилган барча ҳаволалар (адабиётлар) рўйхатини шакллантириш лозим. Гарвард тизимида бу рўйхат алфавит тартибида муаллиф фамилиясига кўра шакллантирилади. Шу сабабли, муаллифнинг фамилия ва исми фарқини аниқ билишингиз лозим. Титул варагда дастлаб муаллиф исми, кейин фамилияси келтирилади:

Шейла Берфорд, Хуан Гонсалес

Аммо, иқтибосларда фақат фамилия келтирилади:

Берфорд, (2001), Гонсалес (1997)

Ҳаволалар (адабиётлар) рўйхатида фамилия ва исмнинг биринчи харфи қўлланилади:

Берфорд Ш., Гонсалес X.¹

Демак, умумий тилшунослик фани миллий тилларнинг умумўхшаш томонлари асосида шаклланган.

Назорат саволлари:

1. Юридик ёзма нутқда тил бирликларидан тўғри ва ўринли фойдаланиш нимани назарда тутади?

¹ Academic writing: a handbook for international students/Stephen Bailey. – Fourth edition. 2015. p.53-58

2. Юридик тил шакл жиҳатидан қандай кўринишларга эга?
3. Ёзма юридик тил ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиринг.
4. Ёзма юридик нутқда орфография талабларини тушунтиринг.
5. Иқтибослар ва ҳаволалар қандай талабларга асосланади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015.
2. Умурзоқов Б.У. Ҳозирги ўзбек тили. – Термез давлат университети, 2012.
3. www.ziyonet.uz интернет сайти маълумотлари
4. www.ziyouz.com сайти кутубхонаси

2-мавзу: Юридик тилда пунктуацион меъёрлар. Дефис ва тире

Режа:

1. Ўзбек тилининг имло қоидалари ҳақида.
2. Адабий тил меъёрлари.
3. Пунктуациянинг асоси ва тамойиллари. Юридик тилда тиниш белгиларининг аҳамияти.
4. Дефис ва тиренинг ўзига хосликлари.


Таянч иборалар: тил меъёрлари, пунктуацион меъёрлар, пунктуация системаси, мазмун, оҳанг, юридик гапнинг грамматик қурилиши, мантиқий-грамматик, стилистик ва дифференция тамойиллари.

2.1. Ўзбек тилининг имло қоидалари ҳақида

Ўзбек тилининг имло қоидалари нутқ маданиятининг асосий мезони ҳисобланади. Имловий меъёрлар тилшунослар томонидан ишлаб чиқилади ва ижтимоий ҳаётга тавсия этилади.

Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари ҳам ўзбек халқининг саводхонлиги учун хизмат қилиб келмоқда. Мустақиллик шарофати билан ўзбек тили – давлат тилига эътибор кучайди, она тилимизнинг ижтимоий мавқеи кенгайди. Ўзбек тилининг тараққиёти ва истиқболи тўғрисида ғамхўрлик қилиниб, бир қанча қарорлар қабул қилинди. Узоқ давом этган умумхалқ муҳокамаси натижасида лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтиш маъқул топилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил 2 сентябрда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида” қонун қабул қилди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси

Конституциясига асосланиб, ўзбек ёзувининг ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда Республикализнинг ҳар тарафлама камол топиши ва жаҳон коммуникация тизимиға кириши учун қулай шароит яратишга хизмат қилишни назарда тутади. Янги алифбога киритилган ўзгаришлар асосида “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари” ишлаб чиқилди. Шубоис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 1995 йил 24 августда “O‘zbek tilining asosiy imlo qoidalari”ни тасдиқлади.



Тилда сўзлар ва қўшимчаларнинг маълум қоидалар асосида ёзилиши амалдаги “Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари”га бўйсунади.

ЎЗБЕК ТИЛИ –ДАВЛАТ ТИЛИ

- Давр тақозоси 1995 йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги “Давлат тили ҳакида”ги Қонуни эълон қилинди. Бу қонун 24 моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида асосий қонунимиз бўлган Конституциямизнинг 4-моддасида ёзилганидек, “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили – ўзбек тилидир”, деб ёзиб қўйилган.

Нутқ, хусусан, ёзма нутқ қанчалик тўғри ва аниқ бўлса, у шунчалик тушунарли бўлади, тингловчига шунчалик кучли таъсир этади. Бунда изчиликка ва адабий тил меъёрларига риоя қилиш асосий талаблардан ҳисобланади. Юридик тил ўзбек адабий тилининг таркибий қисми экан, у ҳам адабий тилнинг барча меъёрларига оғишмай амал қиласди.

Ёзма юридик нутқни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш, тиниш белгиларини тўғри жойига қўйиш учун ҳам назарий билим, ҳам юридик мавзулар юзасидан ёзма машқлар муҳим ўрин тутади. Юристларимиз мунтазам равишда ёзма машқлар олиб боришлари натижасидагина тиниш белгиларини тўғри қўллаш ёзма нутқ борасида муҳим кўникма ва малакаларга эга бўлишлари мумкин. Ёзма машқлар – бамисоли тафаккур машқларидир. Бирор воқеийлик ёки ҳодиса тўғрисида фикрлаш ёзма машқлар орқали такомиллашади. Ёзма нутқ машқлари муайян мавзу доирасида, айтайлик, бирор бир содир этилган жиноятнинг илдизларига етиб борища бевосита фикрлашга мажбур этади.

2.2. Адабий тил меъёрлари

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек адабий тилининг услублари ҳам шаклана борди, ўзбек миллий тилида меъёрлашиш жараёни барқарорлашиш босқичига кирди. Бу меъёрлар луғат бойлиги, грамматика, талаффуз, услугуб турлари ва уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни яхши билишни талаб қиласди.

Нутқ фақатгина лингвистик ҳодиса бўлмасдан, балки руҳий (психологик), нафосат (эстетик) ҳодисаси ҳамдир. Шу боис юқори даражадаги нутқ дейилганда, айтилмоқчи бўлган фикрнинг тингловчига тўлақонли етиб бориши, уларга маълум таъсирини ўтказиши назарда тутилади.

Нутқнинг коммуникатив (алоқавий) сифати қўйидаги лингвистик ва экстралингвистик мезонларга бевосита боғлиқдир: *нутқнинг тўғрилиги, нутқнинг аниқлиги, нутқнинг мантиқијлиги, нутқнинг тозалиги, нутқнинг таъсирчанлиги* (образлилиги).

Нутқнинг тўғрилиги. Нутқнинг бош коммуникатив сифати нутқнинг тўғри бўлишидир. Адабий тилнинг фонетик, орфоэпик, лексик ва грамматик меъёрлари талабларига тўла мос келадиган нутқ тўғри нутқ саналади. Тил бирликларини тўғри, ифодали талаффуз қилиш, яъни сўз ва мантиқий урғу, оҳанг, паузага асосий эътибор қилиш орқали нутқ тўғрилиги юзага келади. Нутқнинг тўғри бўлиши, асосан, сўз ва мантиқий урғунинг тўғри қўйилишига ҳам боғлиқ. Рус тилида урғу эркин бўлса, ўзбек тилида урғу, асосан, сўзнинг

охирги бўғинига тушади. Агар сўзниг ўзагига қўшимчалар қўшилса, урғу ўз ўрнини ўзгартириб, охирги бўғинга кўчади: *жиноя't*, *жиноятчи'*, *жиноятчилар'р*. Бу ҳолат адабий меъёр ҳисобланади. Лекин ўзбек тилида ҳам баъзи ўринларда урғу олдинги бўғинларга (*ле'кин*, *афсу'ски*, *алба'тта*) тушиши ва ҳатто сўзниг маъносини ўзгартириб юбориши мумкин: *янги '*китоб, *я'нги келди*; *Яхии 'бала я'хии ўқийди*. Бундай сўзлар ўзбек тилида анчагина: *тугма'-ту'гма*, *сузма'-сузма*, *олма'-о'лма*, *қайнатма'-қайна'тма*. Уларнинг маънолари фақат урғу ёрдамида ойдинлашади.

Нутқнинг аниқлиги. Аниқлик ҳам нутқнинг коммуникатив сифатини таъминловчи шартлардан биридир.

Нутқнинг аниқлиги дейилганда, ифодаланаётган фикрга, воқеийликка сўз ва терминларнинг мувофиқ келишидир. Яъни шакл билан мазмун мутлақо мос бўлмоғи нутқнинг аниқлигини таъминлайдиган омиллардир. Нутқнинг аниқ бўлиши унинг шаклланишида иштирок этувчи нафақат лингвистик, балки экстравингвистик омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Бу эса, тил ва тафаккурнинг ўзаро алоқадорлиги билан ўлчанади. Табиат ва жамиятдаги нарса-ҳодисалар ҳамда воқеийлик билан уларнинг нутқдаги инъикоси ўртасидаги айнан мувофиқлик нутқнинг аниқлигини таъминлайди.

Нутқнинг тозалиги. Нутқнинг коммуникатив сифати фақат ва фақат адабий тил доирасида бўлгандагина шаклланади, тўлақонли бўлади. Нутқнинг тозалиги дейилганда ҳам нутқнинг адабий тил меъёrlарига мувофиқлиги тушунилади.

Нутқ маданияти ҳақида гапирилганда бевосита инсоннинг нутқда номеъёрий сўзларни қўлламасдан, нутқнинг тозалигига путур етказувчи нуқсонларсиз фикр ифодалаши кўзда тутилади.


Нутқнинг мантиқийлиги. Фикр, тафаккур қилиш соғлом бўлса, нутқ ҳам талаб даражасида бўлади. Фикр нотўғри бўлса, нутқ мантиқий жиҳатдан тугал бўлмаслиги аниқ. Грамматик жиҳатдан шаклланмаган нутқ ҳам, нутқда ноўрин қўлланилган луғавий бирликлар, грамматик шакллар ҳам мантиққа путур етказади.

Нутқнинг мантиқийлиги фақат лисоний ҳодиса бўлмасдан, экстравингвистик ҳодиса сифатида ҳам намоён бўлади.

Нутқнинг таъсирчанлиги. Маълумки, нутқнинг асосий мақсади тингловчининг фақат қулогини эмас, балки қалбини ҳам забт этишdir.

Сўзниг турли маъно қирраларини ҳам кўра олишга интилиш, нутқдаги сўзларнинг фавқулодда уйғунлигини таъминлаш нотиқдан катта меҳнат талаб этади. Нутқнинг таъсирчанлигини таъминлаш нафақат лингвистик, балки экстравингвистик омилларни ҳам ўз ичига олади. Экстравингвистик омилларга тилга боғлиқ бўлмаган шарт-шароитлар киради.

Маълумки, ўзбек тили нутқий воситаларга ўта бой тиллардан биридир. Нутқقا ранг-баранглик бериш, нутқий бадиийликни кучайтириш мақсадида кўпроқ турли хил тасвирий воситаларга мурожаат қилинади.



Нутқ маданиятининг асосий мезони адабий тил меъёрлари ҳисобланади. Адабий тил меъёрлари дейилганда, тил воситаларининг умумхалқа тушунарли бўлган муқобил варианtlарини танлаш тушунилади.


Олимлар томонидан тил меъёрлари қуидагича гурухланади:

1. Фонетик меъёрлар.
2. Лексик-семантик меъёрлар (сўз қўллаш).
3. Талаффуз (орфоэпик) меъёрлар.
4. Акцентологик (урғунинг тўғрилиги) меъёрлар.
5. Грамматик меъёрлар.
6. Сўз ясалиш меъёрлари.
7. Имловий меъёрлар.
8. График (ёзув) меъёрлари.
9. Пунктуацион меъёрлар.
10. Услубий меъёрлар.

Шу меъёрлардан бири – пунктуацион меъёрлар. Пунктуация лотинча сўз бўлиб, “нуқта”, “жой” маъноларини англатади. Пунктуация тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳақидаги бўлимдир. Тиниш белгилари меъёри – пунктуацион меъёр ёзма нутққа хосдир. Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмаса, гапнинг мазмуни ҳам, синтактик тузилиши ҳам ўзгаради.

2.3. Пунктуациянинг асоси ва тамойиллари

Тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳақидаги қоидалар йифиндиси пунктуация дейилади.



5

Тиниш белгиларининг қўлланилиши қўйидагича:

1. Фикр тугулланган бўлса, унинг мазмунига қараб нуқта, сўроқ, ундов белгилари ва уч нуқта қўйилади.

2. Тугалланмаган ёки изоҳ талаб қиласидан фикрлардан кейин уч нуқта қўйилади. Масалан, Кўклам қуёшидан кўкарган қирлар, кўум-кўк... Агар бундай гап сўроқ гап бўлса сўроқ белгиси ва икки нуқта, ҳис-ҳаяжон гап бўлса ундов белгиси ва икки нуқта қўйилади. Мен етим ўсганман, ох, у етимлик!.. (F.Гулом).


Турли ҳис-ҳаяжон ифодаланган гапларда тиниш белгилар:

1. Гапда сўроқ ва ҳис-ҳаяжон маъноси бўлса, сўроқ ва ундов белгиси қўйилади: Гапирсангиз-си, нима бўлди?!

2. Ҳис-ҳаяжон ва сўроқ мўъноси бўлса ундов ва сўроқ белгиси қўйилади: Эҳ қандай чиройли сўлим жойлар-а?!

3. Кучли ҳис-ҳаяжон бўлса ундов белгиси икки марта қўйилади: Бу қандай бедодлик, бу қандай зулм!! (У.)

Ёзма нутқда пунктуациятермини уч маънода қўлланади:



Умуман, пунктуациянинг текшириш обьекти - тиниш белгилари¹.

Тиниш белгилари мазмун, оҳанг ва гапнинг грамматик қурилишига кўра қўлланилади.

Мазмун. Ифодаланмоқчи бўлган мазмун тугалланган бўлса, **нуқта**, ундов ёки **сўроқ белгиси**, кўп нуқта қўйилади. Ўзгаларнинг гапи бўлса, **қўштириноққа** олинади.

¹ Stephen Bailey. "Academic Writing: A Handbook for International Students" Fourth Edition. 2015. p.129 – 134.

Қўштирнок - бирор сўзниң кўчма маънодалигини ёки унинг қочирим, киноя мақсадида ишлатилганлигини кўрсатиш учун хизмат қиласди.

Масалан, Республикамиздаги айrim прокурорлар терроризмнинг турли кўринишларига қатъий чоралар кўраётган бўлсалар, айrim “прокурорлар” бу ишга совуққонлик билан қарамоқдалар.

9

Киритмалар сўз ёки сўз бирикмаси шаклида бўлиб, сўзловчининг ўзи баён этаётган фикрга бўлган турли муносабатини билдиради. Улар барча нутқ услубларида қўлланилади.

Киритмалар мазмунан бутун бир гапга ёки унинг бўлагига тегишли бўлган ишонч, тасдиқ, гумон, истак, таажжуб, таъкид, тахмин маъноларини ифодалаш учун хизмат қиласди.

10

Кириш сўзлар гап тузилишини бузмайди, айтилаётган фикрга янги далил ҳам қўшмайди, балки шу фикрга нисбатан сўзловчининг муносабатини, кучли ҳаяжонланганини билдиради. Шунинг учун ҳам бундай гаплар кўпроқ бадиий ва сўзлашув услубида учрайди

Кириш сўзлар ва кириш бирималар гапдаги бошқа бўлаклардан тўхтам билан ажратилади ва ўзининг алоҳида оҳангига эга бўлади.

11

Гаплар орасидаги мазмун муносабатлари қўшма гапларда **икки нуқта, тире, вергул ёки нуқтали вергул** орқали ифодаланади¹.

Тугалланмаган ёки изоҳталаб тушунчалар **кўп нуқта** ёки **қавслар** орқали ифодаланади.

Оҳанг. Оҳанг фикр, мақсаднинг оғзаки нутқдаги ифодасидир. Ҳар бир тиниш белгиси ўзига хос оҳангга эга бўлади:

- ундов, сўроқ белгиси, кўп нуқта ва нуқта – *тугалланган оҳанг билан;*
- қўштириноқ, қавс – *кичик тўхталиш, ажратилган оҳанг билан;*
- икки нуқта, тире – *изоҳли оҳанг билан;*
- вергул, нуқтали вергул – *кичик тўхталиш оҳангиги билан* талаффуз қилинади.

Айрим тиниш белгилари оҳанг талаби билангина қўйилади.



Ҳар бир тиниш белгиси ўзига хос оҳангга эга бўлади.

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p.130

Масалан: Ватанимиз – келгусида буюк давлат бўлади.

Бу гапда кесим эгага *бўлади* боғламаси билан бириккани учун эгадан сўнг тире қўйилмаслиги керак эди. Аммо эга мантиқий ургу олгани учун ундан сўнг тире қўйилган.

Грамматик қурилиш.

Айрим тиниш белгилари гапнинг грамматик тузилишига кўра қўлланади. Масалан, эга билан кесим орасида тире қўйилиши ёки қўйилмаслиги маълум грамматик қоидалар асосида белгиланади.

Пунктуация – ижтимоий ҳодиса. Ёзувда дастлабки қўлланилган тиниш белгиларининг қўйилиш ўрни, усули, вазифаси ҳозирги ҳолатидан бошқача бўлган, уларнинг вазифаси ҳозиргидек аниқ ва мураккаб бўлмаган. Юридик тилда пунктуациянинг асосий вазифалари:

- 1) сўзининг маъносини тиниш белгисига қараб билиб олиш;
- 2) ёзма нутқдаги мақсад, мазмун ва маъно турларини аниқлаштириш, фарқлаш учун;
- 3) ёзма нутқ структурасини аниқ белгилаш, гапни ташкил этувчи қисмлар, гап бўлаклари ва гапларнинг тузилишига хос турли муносабатларни кўрсатиш учун;
- 4) ёзма нутқни ихчам ва равон ифодалаш, стилистик қулайлик учун;
- 5) баъзан ёзма нутқдаги мураккаб фикрий муносабатларни ифодалаш учун.

Академик ёзув қоидаларига бағишлиланган “Academic Writing” китобида инглиз тили пунктуацияси хусусида қўйидаги фикрлар мавжуд. Тўғри қўлланадиган пунктуацион белгилар ва бош ҳарфларнинг ўз ўрнида қўлланиши ўқувчига муаллиф нимани назарда тутганлигини аниқ тушунишга кўмаклашади. Бундан ташқари, пунктуациянинг баъзи хусусиятлари борки, улар шахсий усулнинг ўзига хос тури бўла олади. Пунктуацион белгиларнинг ўз ўрнида тўғри қўлланиши жуда катта аҳамиятлидир. Чунки бу белгилар маънонинг мазмун-моҳиятини очиб беради¹.

Инглиз тилида бош ҳарфларнинг қўлланиши тўғрисида аниқ қоидаларни белгилаш мушкул. Сабаби ҳозирги замонавий филологияда уларнинг қам қўлланишига мойиллик бор. Шунга қарамай, уларни қўйидаги ўринларда қўллаш лозим ҳисобланади:

- гап бош ҳарф билан бошланади;
- кунлар ва ойларнинг номлари;
- миллий сўзларда;

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p.129

- кишиларнинг исм ва жой номлари;
- китоб номлари (фақат асосий сўзлар)
- ўқув фанлари;
- ташкилот номлари.

Нуқтали вергул. Нуқта гапнинг икки мустақил қисмини боғлашда, улар маъносини кескин ўзгартириб юборганлиги сабабли ушбу мустақил қисмларни боғлашда нуқтали вергулишлатилади. Масалан, йигирма киши биринчи ўқув йили учун савол-жавоб қилинди; иккинчи йил учун эса 33 киши. Ҳеч ким натижалар тўғрисида савол бермади; улар ушбу натижаларга тамоман ишонди.

Бундан ташқари, нуқтали вергулни яна бир муҳим ўринда қўллаш лозим, қачонки, гапда бир қатор турли маълумотлар унинг умумий таркибини ташкил этган бўлса. Масалан, (Maitland, 2006; Rosenor, 1997; New Sicientist, 2006; University of Michigan, 2000).

Икки нуқта. Икки нуқта қўйидаги ўринларда қўлланилади:

- изоҳ бериш учун – Учрашув қолдирилди: Ден касал бўлганлиги боис.
- рўйхатни ёзиш учун – Учта элемент аниқланди: молиявий, ижтимоий, ахлоқий.
- иқтиbos (цитата) келтириш учун – Тед Турнер айтганидек: Сен ҳеч қачон ортга чекинолмайсан, ғолиблар ҳеч қачон чекинмайди, чекинувчилар ҳеч қачон ғолиб бўлмайди.

Вергул. Яна бир муҳим пунктуацион белги - бу вергул. Бироқ унинг қўлланиши учун аниқ қўлланма бериб бўлмайди. Вергул асосан шахсий усул ҳисобланади. Вергулни ўқувчи учун гап бўлакларини тушунишга кўмаклашувчи қисқа пауза сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ. Вергулни жуда кўп миқдорда қўллаш ўқувчини чалғитади. Шунингдек, уни кам қўллаш ҳам чалкашликка олиб келади. Вергулнинг қўлланиш ўринларига баъзи мисоллар:

- кириш сўзлардан кейин - Шунга қарамай, хулоса қилишдан олдин, кўп масала ҳал қилиниши лозим;
- мисол келтирганда - Муайян ўсимликлар, масалан, буғдой тез касалга чалинувчи бўлади;
- боғловчилар билан биргаликда - Уч юз киши савол- жавоб қилинди, бироқ фақатгина жавобларнинг ярми инобатга олинди.
- рўйхат ёзилганда – помидор, ловия, карам ва картошкалар кетма-кетликда генетик янгиланади.

Вергулни биринчи бўлиб XV асрнинг охири XVI асрнинг бошларида яшаган венециялик машхур ношир ва матбааи Альд Мануци ёзма нутқа жорий этган бўлиб, шунингдек, у Европада китобга ном ҳамда сарлавҳа

қўйиб нашр қилдиришни жорий қилишни йўлга қўйган шахс ҳисобланади. Жумла — гап охирига нуқта ва икки нуқта қўйиш вергул кашф қилинмасдан анча олдин истеъмолда бўлган эди.

Нуқта. Нуқта гапга тугалланган мазмун бериш учун ишлатилади. Нуқта, шунингдек, сўзнинг биринчи ҳарфлари ёки биринчи қисмидан шаклланган қисқартмалардан кейин ҳам қўлланилади.

Эслатма (Note): умуман олганда, ягона маънони англатувчи сўзларнинг биринчи ҳарфларидан кейин нуқта қўлланилмайди. Масалан, БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти).

Тире. Ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, инглиз тилида тире асосан кўшма сўзларни ифодалашда қўлланилади¹.

Ўзбек тили пунктуациясининг асоси ва тамойиллари

Пунктуация асоси деганда, тиниш белгиларининг қўлланиши нимага боғлиқлиги тушунилади.



Ўзбек тили пунктуациясининг биринчи асоси ўзбек тилининг грамматик системаси нутқнинг мазмун, интонация ва тузилиш томонларининг бир бутунлигини ташкил қиласади. Бу ўзбек тили пунктуациясининг негизидир.

Ўзбек тили пунктуациясининг иккинчи асоси рус тилининг пунктуацион системасидир. Бу – ўзбек тилидаги кўпчилик тиниш

¹ Stephen Bailey. "Academic Writing: A Handbook for International Students" Fourth Edition. 2015. p. 129 – 134.

белгиларининг рус тилидан ўзлашганлиги, рус тилида пунктуациясининг илмий ва назарий жиҳатдан чуқур ишланганлиги билан боғлик.

Пунктуация принципи – тиниш белгиларининг қайси усул ва тартибда кўлланилиши демакдир.

Ўзбек тили пунктуациясининг принциплари қуидагилардир:

1. Логик-грамматик тамойил. Бу принципда тиниш белгиларининг кўлланиши нутқнинг мазмуни, тузилиши, интонацияси билан боғлик.

2. Стилистик тамойил. Бу принципда тиниш белгиларининг кўлланиши нутқ стили билан алоқадор бўлади.

3. Дифференция тамойил. Бу принципда тиниш белгиларининг кўлланиши ёзув техникаси (формаси) ни аниқлаш (дифференция қилиш) билан боғлик. Тиниш белгиларининг қўш қўлланиш системаси (масалан бошида ёки охирида икки қўштирноқнинг баробар қўлланиши) ҳам шу принципга аълоқадор.

Тиниш белгилари гап ва нутқнинг мазмун мундарижасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайдиган фонетик-фонологик воситаларни (кўтариувчи оҳанг, пасаювчи оҳанг, тўлқинли оҳанг, санаш оҳанг, пауза каби суперсегмент бирликларни) ёзувда ифодалаш учун кўлланади. Бундай белгилар қуидаги вазифаларни бажариш учун ишлатилади:

- а) ижтимоий алоқани (фикр алмашуви жараёнини) ёзувда тўғри ифодалаш учун;
- б) мақсад, мазмун ёки маънони, уларнинг ўзига хос “ранг” ва “тус”ларини ёзувда аниқ ифодалаш учун;
- в) гапнинг таркибини ҳамда шу таркиб элементлари (компонентлари) ўртасидаги грамматик-семантик муносабатларни ифодалаш учун;
- г) ёзма нутқнинг ихчам ва равонлигини таъминлаш учун;
- д) ёзма нутқдаги мураккаб фикрий муносабатларни ифодалаш учун.

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p. 129 – 134.

Ўзбек тилида тиниш белгилари

Ўзбек тилида тиниш белгилари ўнта. Улар қуйидагилардир:

Номи	Шакли
Нуқта	.
Сўроқ белгиси	ў
Ундов белгиси	!
Нуқтали вергул	;
Кўп нуқта (уч нуқта)	...
Вергул	,
Икки нуқта	:
Тире	-
Қавс	0
Тирноқ (қўштириноқ)	“”

Тиниш белгиларининг таснифи

Ўзбек тилида тиниш белгилари қуйидаги хусусиятлари асосида классификация қилинади:



1. Кўлланиш ўрнига кўра.
2. Кўлланиш усулига кўра.
3. Тузилишига кўра.
Тиниш белгилари қўлланиш ўрнига кўра уч гурухга бўлинади:
 1. Гап охирида қўлланувчи тиниш белгилари.
 2. Гап ичida қўлланувчи тиниш белгилари.
 3. Аралаш ҳолда қўлланувчи тиниш белгилари.



Гап охирида қўлланувчи тиниш белгиларига **нуқта**, **сўроқ** ва **ундов** белгилари киради.

Гап ичida қўлланувчи тиниш белгиларига **вергул** киради.

Аралаш ҳолда қўлланувчи тиниш белгиларига **икки нуқта, нуқтали вергул, қўштириноқ, қавс, тире, кўп нуқталар** киради¹. Булардан тире гап бошида ва ўртасида, икки нуқта, нуқтали вергул гап ўртасида ва охирида: қўштириноқ, қавс, кўп нуқта гап бошида, ўртасида ва охирида қўлланади.

Тиниши белгилари қўллаши усулига кўра иккига бўлинади:


- 1.** Якка ҳолда қўлланувчи тиниш белгилари.
- 2.** Якка ва қўша қўлланувчи тиниш белгилари.

Якка ҳолда қўлланувчи тиниш белгилари якка ва қўша қўлланади.

Тиниши белгилари тузилишига кўра иккига бўлинади:

- 1.** Бир элементли тиниш белгилари.
- 2.** Кўп элементли тиниш белгилари.

Бир элементли тиниш белгиларига вергул, тире, нуқта киради. Қолган тиниш белгилари кўп элементлидир.



2.4. Дефис ва тиренинг ўзига хосликлари

Дефис. Type

Дефис ва тире ўхшаш белгилар. Лекин грамматик нуқтаи назардан улар бир-бираидан фарқ қиласди. **Дефис** (лот. *divisio* — бўлиш, ажратиш) – орфографик белги ҳисобланиб, сўзларни ажратиш, бўғин кўчириш каби вазифани бажаради. **Тире** – пунктуация белгиси. Бундан ташқари улар ёзувда ҳам ўзига хосликларга эга. Яъни: тире билан сўз орасида муайян масофа бор, дефис эса масофа (пробел)сиз қўйилади. Ёзувда дефис тирега қараганда калтарок.

Ўзбек тилида дефис “чизиқча” деб юритилади. Лекин рус тилида тире даставвал “чизиқча” деб аталган. Бу сўзни мuloқотга ёзувчи Карамзин киритган эди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бундай ўхшаш белгилар фанда 4 та: дефис, тире, минус, калта, узун тире. Булар, албатта, ўзаро фарқланади.

Рус тили дарслекларида калта тире “эн-дэш”, “n-dash” деб ҳам юритилади. Чунки унинг узунлиги N ҳарфи энига teng. Калта тире сонлар орасига қўйилади, масалан, 5–10. Бундай тире пробелсиз қўйилади. Узун тире “эм-дэш”, “m-dash” дейилади. чунки унинг узунлиги M ҳарфи энига teng келади. Айнан узун тире – тиредир. У синтактик муносабатлардаги сўзлар орасига пробел билан қўйилади, яъни у гапнинг бош бўлаклари - бош келишикда келган эга ва кесимни ажратиш учун хизмат қиласиди. Узун тире гапда узун паузани англатади. Масалан: “Тире — тиниш белгиси” («Тире — знак препинания»), “Бошимиз узра — мусаффо осмон” («Над головой — безоблачное небо»). Тире ёрдамида алоҳида оҳанг, интонация англашилади.¹

Ўзбек тилида **тире** қўйидаги ўринларда ишлатилади:

1. Феъл бўлмаган кесим билан боғламасиз бириккан эга ўртасида:

Бири – ҳуқуқ, бири – мажбурият (Ў.Хошимов).

2. Уюшиқ бўлаклардан кейин келган умумлаштирувчи сўздан олдин:

Ҳаё, одоб, инсоф, диёнат – булар инсон сийратини безайдиган фазилатлардир (Ў.Хошимов).

3. Кириш гап билан гап бўлаклари ўртасида:

Конституция – Ўзбекистоннинг Асосий қонуни – 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.

4. Муаллиф гапи билан кўчирма гап орасида:

– -----, – деди судья.

4. Диалогларда ҳар бир шахс нутқини бирини иккинчисидан ажратиш учун:

– Тинчликми?

– Тинчлик, деди Салим хотиржам бўлиб, – Судга келдим...

5. Кутимаган воқеа-ҳодисаларни ифодалаган гаплардан олдин:

У дарров кутубхонага югорди – йўқсиз.

6. Зид маъноли гаплар орасида:

Оғирни – енгил, узоқни – яқин, мушкулни – осон қиласи (Ў.Хошимов).

Ажратилган бўлак билан изоҳланмиш бўлак орасида:

Ҳаётнинг бошқалар кўрмаган томонини кўриши – талант. Ўша нарсани қандай кўрган бўлса, шундай тасвирлаш – талантсизлик (Ў.Хошимов).

¹ Википедии — эркин энциклопедия материалларидан.

8. Эга ва кесим орасида:

Мардикор олиш? Бу – қандай ҳангома? (Ойбек)

9. Ажратилган бўлакларни ажратишида:

Иккита энг ҳолис ва бешафқат ҳакам – Китобхон ва Вакът синовидан ўтган асар ҳақиқий асардир (Ў.Хошимов).

10. Кўчирма конструкцияларни чегаралаш учун:

Саводимни чиқарган онамдан ҳам, ҳуқук қирраларини ўргатган Икром Зокиров, Зайниддин Исломов, Абдугафур Абдумажидовдан ҳам, курс раҳбарларим Алижон ака ва Фарида опадан ҳам, диссертациямни синчиклаб ўқиб, маслаҳатлар берган илмий раҳбарим Замира Эсоновадан ҳам – беҳад миннатдорман.

11. Умумлаштирувчи бўлак уюшиқ бўлаклардан кейин келганда:

Юртимиз ҳусни-жамоли, халқимизнинг хотиржам ва осойишталиги, ҳаётимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги, фарзандларимиз баҳту камоли – барчаси Истиқлол туфайли.

12. Нутқни ихчамлаштириш учун:

Андижон – Тошкент поезди.

Пахтакор” – “Қизилқум”.

Дефис:

- такрор ва жуфт сўзларда (эл-юрт, меҳр-шафқат, катта-катта, баланд-баланд)
- рангларни ифодалашда (сап-сариқ, қип-қизил, ям-яшил);
- сўзларнинг –ма, ба- ёрдамида бирлашган қисмлари (уйма-уй, дам-бадам)да;
- рус тилидан айнан, калькалаш ёки сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан олинган сўзларда (суд-экспертиза, суд-ҳуқук, юрист-педагог, юрист-маслаҳатчи);
- тартиб сон рақам билан ёзилса (4-тоифа, 70-йиллар);
- айрим юкламалар (-чи, -а, -ку, -у, -ю кабилар)да;
- *микро-, меза-, макро-* ёки мини-, миди-, мини-каби сўз-қўшимчалар кўшганда кўлланилади.

Демак, ёзма нутқ оғзаки нутқдан сўнг ёзув таъсирида пайдо бўлган бўлиб, адабий тилнинг имловий, пунктуацион, услубий қонун-қоидаларига бўйсунувчи график шаклдаги нутқдир¹.

Ёзма нутқнинг мазмуний бўлаклари, гаплар, уларнинг қисмлари турли хил тиниш белгилари орқали ажралиб қўрсатилади. Ёзма нутқ оғзаки нутқ қаби кишилар ўртасидаги бевосита алоқа воситаси эмас, у бошқа жойда ва замонда яшовчи кишилар билан алоқа боғлаш воситасидир. Ёзма манбалар орқали биз ўтмиш тарихимизни ўрганамиз ва бундан келажак авлод фойдаланишини таъминлаймиз.

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p.87.

Пунктуация ёзма фикрни аниқ ва равон, тушунарли ва ифодали баён қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ёзма нутқнинг айрим лексик-грамматик воситалар билан ифода қилиш мумкин бўлмаган томонларини ифода қилишда пунктуациянинг аҳамияти янада ортади.

Пунктуация графика ва орфография, синтаксис, интонация билан узвий алоқадордир.

Демак, юридик тилда ҳам пунктуация ёзма нутқа хос бўлиб, юриспруденциянинг тил хусусияти, ёзув системасига боғлиқ ҳолда ўрганилади. Пунктуация ёзма нутқ маҳсули бўлиб, ёзув орқали ифодаланган ҳар бир гапнинг мазмуни, маъно турлари ва синтактик қисмлари орасидаги турли муносабатларни аниқлашда пунктуациянинг ўрни катта.

Назорат саволлари:

1. Юридик тилда тиниш белгиларининг аҳамияти ҳақида гапиринг.
2. Ёзма юридик нутқда изчиллик ва адабий тил меъёрларига риоя қилишнинг асосий талаблари қандай кечади?
3. Пунктуация – ижтимоий ҳодисами? Нима учун?
4. Ўзбек тили ва инглиз тили пунктуациясининг умумий ва фарқли томонларини тушунтиринг.
5. Дефис ва тире ҳақида батафсил маълумот беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015.
2. Бахридинова Б.Тиниш белгилари – ёзма нутқ моҳиятини англаш воситаси. –Т.:Маърифат. 2014.
- 3.Бахридинова Б.Ўзбек тилининг пунктуация қоидалари.-Т.: Тил ва адабиёт таълими. 2015. 1-сон, 23-25- б.
4. www.ziyouz.com интернет сайти маълумотлари
5. www.ziyouz.com сайти кутубхонаси

3-мавзу: Юридик ёзма нутқда термин қўллаш меъёрлари

Режа:


1. Термин ва атама тушунчалари.
2. Юридик терминлар – қонун тили лексикаси.
3. Юридик терминларга қўйиладиган талаблар.
4. Умумхуқуқий тезаурус масаласи.

Таянч иборалар: чегараланган қатлам, атама, термин, умумистеъмолдаги сўз, касб-ҳунар лексикаси, терминологик лугат, унификация, тезаурус.

3.1. Термин ва атама тушунчалари

Илм-фан, техника, қишлоқ хўжалиги ва санъатга оид тушунчаларнинг аниқ номини билдирувчи бир маъноли сўз ва бирикмалар *терминлар* дейилади.

Сўз кўп маънога, яъни қўшимча маъноларга эга бўлади, лекин термин бундай хусусиятга эга эмас. Термин ҳам сўз, аммо у одатдаги сўзлардан маъносининг аниқлиги, бир маънолилиги билан фарқланади. Термин маълум соҳада, шу соҳа вакиллари нутқида қўлланилади. Масалан: *жиноят, жазо, даъво, айбланувчи, босқинчилик, рецидив жиноят, геноцид, терроризм, васийлик, сенат, спикер* каби терминлар юриспруденция тармоқларида учрайди.



Терминлар йифиндиси ва шу терминларни ўрганувчи соҳа терминология дейилади. Термин грекча *terminos* сўзидан олинган бўлиб, чек, чегара маъноларини билдиради.

Кейинги йилларда *термин* сўзи ўрнига *атама* сўзи қўлланяпти. Бундай қўллаш хато ҳисобланади. Чунки *атама* сўзининг маъноси *термин* сўзининг маъносига нисбатан кенг бўлиб, у барча нарсаларнинг номи сифатида тушунилади, термин эса муайян бир соҳада қўлланувчи расмийлашган сўздир. Шунинг учун *термин* тушунчасини *атама* тушунчасининг ичига кирувчи илмий ва расмий маънога эга луғавий бирлик деб номлаш ўринли ҳисобланади, деб таъкидлайди олим С.Усмонов.

Термин ва атама

Термин тушунчасини атама тушунчасининг ичига кирувчи илмий ва расмий маънога эга луғавий бирлик деб номлаш ўринли ҳисобланади

Чунки атама сўзининг маъноси термин сўзининг маъносига нисбатан кенг бўлиб, у барча нарсаларнинг номи сифатида тушунилади, термин эса муайян бир соҳада қўлланувчи расмийлашган сўздир.

Қонун тили лексикасини, асосан, терминлар ташкил этади. Лекин ҳар қандай юридик тушунчаларни ифодалаш учун терминлар олдига маълум талаблар ва меъёrlар қўйилади. Бу терминнинг моҳияти ва табиатидан келиб чиқади. Тил тараққиёти жараёнида маълум бир сўз бирикмаси ягона лексик маъно касб этиши натижасида синтактик бирлиқдан лексик бирлиқка айланади. Яъни бирикма характеридаги терминлар номинатив вазифани бажариб, бир ягона термин шаклига ўтади.

Терминларнинг ўзига хос хусусиятлари:

Сўзлар фан ва техниканинг маълум тармоғида қўлланилиб, истеъмол доираси чегаралганган маънода ишлатилса, терминларга айланади.

Термин номинатив вазифани бажаради. Терминнинг маъноси адабий тил меъёрлари доирасида тушунчага тенг бўлади.

Термин аниқ конкрет тушунчаларни билдириб, ҳис-ҳаяжон маънолариданхоли бўлади.

Бир сўз бир неча соҳанинг термини бўлиши мумкин. Лекин бундай сўзлар фаннинг ҳар бир соҳасида алоҳида тушунчаларнинг номи бўлиб келади.

Терминлар расмийлашган сўзлар бўлганилиги сабабли республика миқёсида, ҳатто дунё миқёсида бир тушунчани англатади.

Шунга кўра, терминларнинг умуммуомаладаги сўзлардан фарқланадиган ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

1. Сўзлар фан ва техниканинг маълум тармоғида қўлланилиб, истеъмол доираси чегаралганган маънода ишлатилса терминларга айланади (*сув, гувоҳ, туз*).

2. Термин номинатив вазифани бажаради. 1та терминнинг маъноси адабий тил меъёрлари доирасида 1та тушунчага тенг бўлади. Чунки термин бир маъноли (моносемантик) бўлгани учун унинг маъноси тушунчага тенг келади. Термин – бир маънони ифодаловчи маҳсус расмий сўз.

3. Термин аниқ, конкрет тушунчаларни билдириб, экспрессив-стилистик бўёқлардан холи бўлади. Умуммуомаладаги сўз эса қўшимча маъно ва услубий белгиларга эга бўлади.

4. Битта термин бир неча соҳа термини бўлиши мумкин. Лекин бундай сўзлар фаннинг муайян соҳаларида алоҳида тушунчаларнинг номи бўлиб келади (*операция, топшириқ, шерик, модда, симптом*).

5. Терминлар муайян бир соҳага тегишли бўлиб, муайян мутахассислар томонидан маҳсус қабул қилинган, расмийлашган сўзлардир. Шунинг учун бир тушунчани ифодаловчи терминни бошқа бир сўз билан алмаштириб бўлмайди. Яъни бир тармоқ терминлари тизимида синонимия ёки дублетнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди. Халқаро терминлар дунё миқёсида бир хил қўлланилади ва тушунилади.

6. Қатор терминларнинг муаллифи бизгача маълум бўлиши мумкин. Масалан: Ройтер, Рентген, Ампер ва б.

3.2. Юридик терминлар – қонун тили лексикаси

Қонун тили лексикаси ўзига хос ранг-баранглиги билан ўзбек тили луғат қатламида салмоқли ўрин тутади.

Йиллар давомида шаклланган ва мустақиллик шарофати ила такомиллашиб келаётган қонунчиликда қўлланиладиган луғавий бирликлар, терминлар расмийлик бўёғи билан ажралиб туради. Бундай бой луғавий қатламни англатган маъноларига кўра, аникрофи юриспруденция тармоқларига кўра қуйидагича тасниф этиш мумкин:

1. Жиноят ва жазо тушунчаларини билдирувчи юридик терминлар: *босқинчилик, товламачилик, фирибгарлик, рецидив жиноят, геноцид, ёлланиш, терроризм, номусга тегиши, жосуслик, қўпорувчилик, тұхмат, ҳақорат қилиши ва ҳ.к.*

2. Жиноят процесси билан боғлиқ юридик терминлар: *юзлаштириши, кўздан кечириши, эксперимент, экспертиза, ушлаб туриши, мажбурий келтириши, жиноят ишини қўзгатиши, суриштирув, суд тергови, ҳукм, аппеляция тартибида иши юритиши, далиллар ва ҳ.к.*




3. Фуқаролик ҳуқуқига оид тушунчаларни билдирувчи юридик терминлар: *мулкий муносабатлар, хусусий мулк, мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, интеллектуал мулк, ворислик ҳуқуқи, шартнома, битим, васийлик, ҳомийлик, юридик шахс, жисмоний шахс, вакиллик, ишончнома, даъво муддати, кафиллик, кафолат ва ҳ.к.*

4. Фуқаролик процесси билан боғлиқ юридик терминлар: *тараф, тарафларнинг тортишуви, даъво қўзгатиши, кассация тартибида иши кўриши, тарафларнинг ўзаро келишуви, судда вакиллик, даъвогар, жавобгар,*

далилларни таъминлаш, муомала лаёқати, ҳал қилув қарори, келишув битими, даъвони таъминлаши ва ҳ.к.

5. Давлат қурилиши ва бошқарувига оид юридик терминлар: *суверенитет, давлат, давлат рамзлари, давлат герби, давлат байроти, давлат маҳдияси, конституция, республика, ҳоким, ҳокимлик, Вазирлар Маҳкамаси, президент девони, Давлат маслаҳатчиси, сенат, сайлов, сенатор, спикер, қонунчилик палатаси, референдум, парламент, Олий мажслис ва ҳ.к.*

Мамлакатимиз суверенитети она тилимизга бўлган эътиборни тубдан ўзгартирди, мустақиллигимизнинг илк қадами, Президентимиз таъкидлаганидек, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилishiдан бошланди. Чунки давлат тили тушунчаси, албатта, давлат мустақиллигидан келиб чиқади, чунки миллатнинг миллат деб тан олинишидаги тўртта омилдан бири тилдир, чунки миллат, жамият тараққиёти, тарих жараёнлари, энг аввало, тилда акс этади. Унда ҳалқ ҳаёти, миллий мафкура ифодаланади, руёбга чиқади.



Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши, ҳалқимиз ҳаётида улуғ тарихий воқеа бўлди. Давлат тили туфайли қонунларнинг муайян самараси жамиятимизнинг барча жабҳаларида намоён бўлмоқда. Айниқса, истиқлол туфайли қонунларимиз миллий тус олди, ўз Конституциямизнинг она тилимизда яратилиши, янгидан-янги қонуний акт, ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва энг асосийси, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, давлат тилининг ҳалқаро миқёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани эътиборлидир. Хусусан,

хорижий мамлакатлар раҳбарлари билан бўладиган учрашув ва сухбатлар, музокаралар, тегишли ҳужжатларни имзолаш маросимларида, нуфузли саммитларда, расмий матбуот анжуманларида ўзбек тилининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётгани ҳаммамизга ғурур-ифтихор бағишлайди (Юксак маънавият – енгилмас куч).

Дарҳақиқат, содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеалар ўзбек юридик тилининг тармоғи ҳисобланган - юридик терминология шаклланиши учун қулай шарт - шароит яратиб берди. Истиқлол ўзбек терминологияси учун ҳам янги даврни бошлаб берди. Бунда давлат тили ва терминология масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Давлат тилини мукаммал ўрганишда жиддий ўзгариш ва янгиланишлар содир бўлди ва бўлмоқда. Ўзбек тилшунослиги, унинг тармоқлараро ривожи истиқлолимиз шарофати билан янада ошди. Тилимизга бўлган эътибор тубдан ўзгарди, яъни миллий тус олди, тилимиз мавқенини кўтариш, унинг имкониятларини кенг очиб бериш давлат сиёсатига оид масалалардан бири бўлиб қолди. Тилшуносликнинг барча йўналишлари, жумладан, юридик тилнинг равнақи учун ҳам кенг имкониятлар яратилди.

Мустақиллигимиз туфайли ўзбек тилининг қатор соҳавий терминологияларида ҳам диққатга сазовор ишлар, ўзгаришлар рўй берди, илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Айниқса, кейинги йилларда ўзбек тилшунослиги муаммоларига бағищланган қатор тадқиқотларда она тилимизнинг таркибий қисми бўлмиш юридик терминологиянинг тараққиёти, унинг ривожланиш қонуниятлари ва тамойиллари, шунингдек, бу борадаги айрим муаммоларни илмий таҳлил қилишга ҳаракат қилинмоқда.

Маълумки, юридик терминлар қонун тили лексикаси ҳисобланади. Ана шу лексика ўзига хослиги билан ўзбек тили лугат қатламида алоҳида ўрин тутади. Терминология қоидаларига асосан, ҳар қандай юридик тушунчаларни ифодаловчи термин маълум талаб ва меъёрларга амал қилиши лозим. Бу терминнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқади. Бир термин қачонки бир тушунчага teng келса, мазмун-моҳият аниқ бўлади. Айниқса, юриспруденцияга оид терминлар қанчалик такомиллашган бўлса, ижтимоий муносабатлар, шунчалик аниқ ва пухта бўлади, жамиятда қонун устуворлигига тўлиқ эришилади.

Шу боис, ҳозирги ўзбек адабий тилининг долзарб, муҳим масалаларидан бири соҳа тили, жумладан, юридик терминологияни янада тараққий эттиришдир. Чунки жамиятда ҳуқуқ аралашмаган бирор бир соҳанинг ўзи йўқ. Ҳуқуқ инсонларнинг эҳтиёж ва манфаатларини

таъминлайдиган воситадир. Ўз навбатда тил эса ҳукуқнинг реаллашувида асосий омил ҳисобланади¹.

Жамиятнинг ижтимоий ҳаётиги оид тушунчалар, сиёсий, ҳукукий, диний бадиий, фалсафий ва бошқа тушунчаларни ифодаловчи расмий сўз ва бирикмалар терминологик таркиби ташкил этади. Демак терминлар тилнинг ижтимоий нуқтаи назаридан қараганда, чегараланган қатламдир, у муайян доирада қўлланувчи луғавий бирлик. Ана шу луғавий бирликнинг юридик соҳада ҳам нечоғли тўғри қўлланилиши қонун тилининг лўнда, тушунарли бўлишини таъминлайди.

Фан ва техника ривожланар экан, табиий, янги тушунча, сўзлар пайдо бўлади. Бу жараёнда тилларнинг ўзаро таъсири ва аралашуви катта аҳамиятга эга. Ана шу жиҳат ҳам миллий тил луғавий таркибининг бойишига сабаб бўлувчи омил ҳисобланади, янги-янги тил бирликлари (сўз ва терминларнинг) ва шаклларнинг ривож топиши учун замин ҳозирлайди. Шу боис, ўзбек тили лексикасида ҳам ўз қатламдан ташқари бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар қатлами мавжуддир. Демак, неологизмлар, янги сўз ва терминлар жамиятдаги эҳтиёж боис пайдо бўлади.

Халқ томонидан ўзлаштирилган сўз ёки сўз бирикмаси, шу жумладан, термин ҳам халқнинг умуммуомаладаги лексикасига айланиб боради. Лингвистика талабига кўра, бирор бир тилга бошқа тилдан сўз ёки сўз бирикмаси ўзлаштирилса, бунда ўша сўз ёки фикрнинг оригиналдаги маъноси диққат-эътиборда бўлмоғи лозим. Мазмунга эътибор бермаслик сўз мавқеига салбий таъсир қилиши мумкин.

Агар қабул қилинаётган хорижий сўз ёки сўз бирикмаси мазмун-моҳиятига шу сўзни ўзлаштираётган тилда мос келадиган вариант(таржима)топилмаса, у ҳолда муқобили топилгунга қадар улар асл ҳолда, яъни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинади. Масалан, юридик соҳада “неустойка”, “протест”; психологияда “установка”; ҳарбий соҳада “окоп”, “бронетранспортёр”; ижтимоий термин ҳисобланган “отгул” каби сўзлар ўзбек тилида шундайлигича қўлланиб келинмоқда. Ўз навбатида бизнинг тилимизга хос бўлган “кураш”, “чала”, “ҳалол”, “ёнбош” каби спорт терминлар ҳам хориж тилларда аслича янграйди.

Сўз, айниқса, термин ўзлаштириш талаби ҳар бир миллат тили учун муҳим ҳисобланиб, бунда адабий тилнинг барча жиҳатлари кўзда тутилиши шарт. Акс ҳолда, сунъийликка, ноаниқликка йўл қўйилади. Натижада сўзниң қиймати, мазмун-моҳияти йўқолади.

¹ Тил ва маънавият. Республика илмий-методик конференция материаллари. Т.: RELEABLE PRINT, 2013. p.25

Юридик тилда кўплаб хорижий сўз, терминлар лингвистик талаблар асосида ўзбек тилига таржима қилиниб, муомалага кирган. Халқ бундай сўзларни bemalol тушунади ва кўллайди. Бироқ аллақачон оригинал ҳолда ўзлашиб кетган қатор сўзларни бошқаси билан алмаштириш шартмикан? Масалан: **пенсия – нафақа; транспорт – нақлиёт; декларация – баённома, баёнот; архив – хужжатхона; судья – қози; кодекс – мажмуа; экспертиза – таҳқиқ ёки муояна; амнистия – умумий афв; ветеран** (ваҳоланки, бу сўз тилимизга **фахрий** деб таржима қилинган) – **кайвоний ва б.** Бу каби ўгирмалар, энг аввало, халқ учун қийинчилик, ноқулайликлар туғдириб, фикр чалкашлигига олиб келмасмикан?

Ҳар қандай қонун лингвистика ҳамда мантиқ илмлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда яратилиши лозим. Юридик фикрнинг лўнда, аниқ, равон баён этилиши тил орқали амалга оширилса, нутқнинг асл моҳиятини мантиқ ифодалайди. Улуғлар таъкидлаганидек, мантиқсиз нутқ бемаъниликтаки олиб келади.

Юридик ёзма нутқда ҳам расмий услуг талабларига оғишмай амал қилинади. Терминологияга тегишли бўлган бу услуг ўзига хосликларга эга. Академик ёзувга бағишланган “**Academic Writing**” қўлланмасида услуг учун, барча ҳолатлар ва фан соҳаларига мос келувчи қоидалар мавжуд эмас, лекин шунга қарамай, у аниқ, холис ва кенг фикрлашни талаб қиласи, деб алоҳида таъкидланган¹.

Шу боис тушунча, айниқса, юридик тушунча тил қодалари асосида кенг ёритилмас экан, юридик терминологиянинг тарақиёти, умумхуқуқий тезаурус ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Чунки терминлар тушунчанинг ташқи рамзиdir. Шундай экан, яратилаётган қонунларимизни, энг аввало, оддий фуқаро тушунсин, унинг моҳиятини тўлиқ англасин. Яъни қонунларни барча бирдек етиб борсин. Ҳуқуққа оид ҳар қандай расмий фикр, тушунча, муносабат сўзларда, терминларда ўз ифодасини топади. Расмий юридик фикрнинг мавжудлиги ҳам расмий юридик тилда намоён бўлади. Шундай экан, юриспруденция тармоқларига оид ҳар қандай тушунча сифати, қонунларнинг амалиётда тўғри татбиқ этилиши бевосита тилга боғлиқдир.

Адолат мезони қонун экан, у ўз моҳияти, мазмuni билан оддий халқ манфаатини ифодалаши, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарбияни тўғри йўлга қўймоғи, жамиятдаги муносабатларни назорат қилишга хизмат қилмоғи лозим. Қонунлар давлат тилида тайёрланиши, муҳокама қилиниши, керак бўлса, бошқа тилларга таржима қилиниши лозим. Шундай экан, ҳар қандай

¹ Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. p.138 – 145.

қонун ижодкорлигига, энг аввал, юридик тил талабларига қатъий амал қилиш лозим, акс ҳолда қонун ўз қадр-қимматини йўқотади.

Тилнинг луғат таркибини пухта ўрганиб, тадқиқ этиш тилшуносликнинг муҳим масаласи ҳисобланади. Ҳозирги ҳаётимизни соҳа терминларисиз, жумладан, юридик терминологиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки юридик терминлар ҳаётимизнинг барча тармоқларида унумли қўлланилади. Айниқса, мазкур соҳага эътибор мустақиллигимиздан кейин ортди. Сир эмас, XX асрнинг 90-йилларигача ўзбек қонунчилиги алоҳида соҳа сифатида ривожланмади. Чунки қонунларимиз мустақил қабул қилинмас ва яратилмас эди. Инсон ҳуқуқлари эса умуман ўрганилмаган.

Бундан ташқари, ўзбек ҳуқуқий тилига жиддий эътибор берилмади, юридик тилнинг илмий жиҳатлари ишлаб чиқилмади. Шунинг учун ҳуқуқ тили, қонунчилик услуби каби масалалар билан бирга юридик терминология муаммоларини тўғри ҳал этиш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Чунки мамлакатимиз равнақ топишида, демократик ҳуқуқий давлат қуришда ҳуқуқ ва тилнинг ўзаро алоқадорлиги, улар ўртасидаги муносабат муҳим аҳамият касб этади.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон Республикасининг миллий давлатчилиги ўзининг тарихий тажрибалари, қадриятлари асосида қайта ривожланиб, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш томон жадал одим ташламоқда. Шундай экан, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий демократик жамиятнинг муҳим тамойилларидан биридир. Бунинг учун қонунлар мазмун-моҳиятига кўра адолатли ҳуқуқий кучга эга бўлиб, халқ учун тушунарли бўлмоғи лозим. Яъни қонун яратишдаги муҳим вазифалардан бири уни халққа яқинлаштириш, равон ўқиладиган қилиб, содда тилда тузишдир. Қонунчилик матни тилнинг расмий услуби талабларига қатъий риоя этиши лозим. Чунки қонунчилик ҳужжатлари аҳолининг кенг доирасига қаратилган бўлади.

Дарҳақиқат, қонунлар қанчалик тушунарли бўлса, халқ уларни бир ўқишида англаса, шундагина жамиятда инсон ўз ҳуқуқларини тўғри ҳимоя қила олади. Шу ўринда мустақил давлатимизнинг биринчи Конституциясини мисол қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

3.3. Юридик терминларга қўйиладиган талаблар. Конституция – юридик терминлар манбаи

Мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституцияси халқ иродаси, ижтимоий ва сиёсий онги, маънавияти, руҳиятини ўзида акс эттиради. Асосий Қонун демократик фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий негизларини

мустаҳкамлайди. У Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қоидаларига монанддир. Энг асосийси, мустақил республикамиз Конституцияси ўз она тилимизда қабул қилинди. Давлат тили тўғрисидаги Қонун ва Конституция она тилимиз мавқеини янада оширди, ўз навбатида миллий тилимизга юқори талаблар ҳам қўйди. Худди шундай, “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун ва Конституция ўзбек юридик тили тараққиёти учун янги имконият, шароитлар яратди.

Конституция давлатнинг Олий Қонунидир. Шунинг учун у юридик терминлар манбаи бўлиб, ўзида жуда кўп юриспруденцияга оид терминларни акс эттиради. Юридик терминларни ишлатишда, энг аввало, Конституция тилига монанд ҳолда, ундаги терминлардан намуна сифатида фойдаланиш зарур. Чунки Конституцияда берилган ҳар бир юридик термин қонунийликка эгадир.

Она тилимизда тайёрланган ва қабул қилинган Давлатимизнинг бош қомуси – Конституциямиз миллий тарихий қадриятларимиз тажрибаларига таяниб, лисоний талабларга риоя қилган тарзда ишлаб чиқилган. Асосий Қонунда қонунларнинг мазмун-моҳияти ёрқин ифодалаб берилган, матнлар юридик тил ва услугуб жиҳатдан жуда тўғри тузилган бўлиб, лингвистик талабларга тўлиқ амал қилинган.

Конституциямизда ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар, миллий руҳият, жаҳон цивилизацияси жиҳатлари эътиборга олинган бўлиб, матнлар ўзбек адабий тилининг имкониятлари асосида аниқ тузилган. Шу сабабли, ҳар бир модда содда тилда ёзилиб, аниқ ва равон ўқилади, фуқаро онгига тез етиб боради.

Конституциямизда юридик терминлар фаол қўлланилган ва улар ўз ўрнида тўғри ишлатилган, баъзи ўзлашган терминлар ўзбек тилида ўзининг аниқ муқобилини топган. Конституцияда, шунингдек, фаол байналмилал терминлар асл ҳолича ишлатилган бўлиб, бу ҳам матнларнинг аниқ, тушунарли тузилишига хизмат қилган: **судья, суд, цензура, референдум, депутат, валюта, кредит, бюджет, прокурор, ратификация, денонсация, парламент, амнистия, адвокатура, пенсия** ва ҳакозо.



Конституция матнларини тузища ўзбек адабий тилининг имкониятларидан унумли фойдаланилган. Сўз ясашнинг калькалаш усули ёрдамида қатор бирикмалар ҳосил қилинган: **норматив-хуқуқий акт, хуқуқ нормалари, конституциявий тузум, матбуот органи, ҳужжат сметаси, ҳалқ депутати, Олий суд, хусусий кооператив ташкилот, қонунийлик принципи, экологик мухит, Олий хўжалик суди, суд ҳокимиияти ва ҳакозо.**

3.4. Умумхуқуқий тезаурус масаласи

Луғатларнинг асосий вазифаси ахборот банки бўлишидир. Лексикани идеографик нуқтаи назардан ўрганишнинг асосий мақсади – бу сўзнинг турли маъноларини бус-бутун, яхлитлигича ўрганиш ва уларни ўз ўрнида қўллашни ўргатишдир. Сўзларни бутун мазмун-моҳияти ва системаси билан



кўз олдимизга келтирувчи идеографик луғатлар маълум бир тил имкониятларидан bemalol ва осон фойдаланиш имкониятини берадики, бу унинг зарурий ва замонавий луғатлардан бири эканлигига далолат. Бу типдаги луғатлар хусусида “Билимларнинг

маълум бир соҳаси ҳақида калит сўзлар мисолида системалаштирилган билимлар силсиласи тезауруслар тузища қўл келади. Бу луғатнинг энг муҳим хусусияти у бир фикрнинг барча қирраларини очиб берувчи сўз ва ибораларнинг бой йигиндисини ёритиб беради. Аслида умумистеъмол сўзларнинг тавсифида лексемаларнинг лисоний маънолари илмий таърифлар

асосида эмас, балки ижтимоий тушунчалар асосида, шунингдек, ижтимоий шартланган семалар мажмуи сифатида қаралиши керак. Шунингдек, бундай луғатлар ўзининг сўз (тушунча)ларнинг вазифадошлари, маънодошлари, антонимлари, градуонимлари, умуман, парадигматик ва синтагматик алоқалари акс эттирилиши билан ҳам характерланиши лозим. Бундан ташқари, лексемалар хусусий синтагматик қуршовларда хусусий маъноларга эга бўлиши мумкин ва бу маънолар ҳам идеографик луғатда ўз ифодасини топиши зарур.

Ҳозирги юридик тилнинг долзарб муаммоларидан бири юриспруденцияда ҳуқуқий тезарус яратиш масаласидир. Бу борада қатор олимлар эътиборга молик муносабатлар билдирган. Жумладан, И.Х. Исломовнинг “Ўзбек тилида рельефонимлар: тизими, структураси ва маъновий муносабатлари”,

Ё.Н.Хамраевнинг “Ўзбек тилининг идеографик луғатини тузиш тамойиллари” деб номланган илмий тадқиқотларида, шунингдек, академик Азим Ҳожиев томонидан тузилган “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” да қайд этилган илмий хуносалар соҳа тезаурусини яратища муносиб аҳамиятга эга.

Тезаурус нима? Академик А.Ҳожиевнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да тезаурусга шундай изоҳ берилган: ТЕЗАУРУС (юн. thesauros – хазина) - тилга оид лексик таркибни тўла ҳажмда акс эттирувчи луғат. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси»да: тезаурус терминига қўйидагича таъриф берилади: «ТЕЗАУРУС (юн. thesauros – хазина, бойлик) – 1. Муайян тилдаги барча сўзларни қамраб оладиган, уларнинг матнда қўлланиш ҳолатларини тўла-тўқис акс эттирадиган луғат. 2. Бирон бир илм-фан соҳасига оид луғавий бирлик (сўз)лар мавзу тартибида жойлаштирилган ва ана шу бирликлар ўртасидаги семантик (жинс-тур, синонимик ва бошқ.) муносабатлар акс эттирилган луғат. Бунда сўзлар алифбо тартибида эмас, балки бир мавзу, бир тушунчага алоқадор сўзларнинг барчаси бир жойда берилади; керакли сўз тушунчага қараб қидирилади». Олимларнинг фикрига кўра, тезаурус муайян тил лексикасининг мантиқий тартибга солинган макети.

- **ТЕЗАУРУС** – таянч сўз ва терминлар ҳақида мукаммал маълумот беради.
- **ТЕЗАУРУС** – муайян соҳага оид бўлган матнда қўлланилиши лозим бўлган сўз (термин)ларнинг тўлиқ изоҳини беради.
- **ТЕЗАУРУС** – ўз лексикасининг тўлиқ маълумотини берувчи соҳа луғати.
- **ТЕЗАУРУС** –
- 1. Соҳага оид терминлар изоҳини талқин қиласи.

- 2. Муайян илм-фанга оид тушунчаларнинг тизимлаштирилган мажмуаси.
- 3. Қайси термин қайси соҳага оидлигини асослайди.

Демак, пухта шаклланган, барча учун қулай бўлган соҳа луғатини тузиш – давр талабидир.

Назорат саволлари:

1. Термин нима? Атама-чи?
2. Юридик терминлар олдига қандай талаблар қўйилади ?
3. Юридик термин ва юридик тушунча ўртасида қандай фарқ бор ?
4. Ёзма юридик тилда термин қўллаш меъёрлари қандай кечади?
5. Умумхуқуқий тезаурус масаласи юриспруденцияда қандай ҳал этилиши лозим?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015.
2. Хамраева Ё.Н. Ўзбек тилининг идеографик луғатини тузиш тамоиллари. Автореферат.Т., 2010.
3. Бекмирзаев Н. Юрист нутқи маданияти. Mumtoz soz, 2011.
4. www.ziyonet.uz интернет сайти маълумотлари
5. www.ziyouz.com сайти кутубхонаси

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот

Ёзма юридик нутқ кўникмалари. Орфографиянинг асосий қоидалари

Ёзма нутқ маданиятининг асосий категориялари – тил, нутқ, мантиқ тушунчаларни таснифлаш, юриспруденцияда ёзма нутқ талабларини асослаш, шунингдек, юрист-педагогларнинг ёзма нутқ қобилиятини пухта ўзлаштириш талабларини аниқ ёритишга боғлиқ масалаларни касбий фаолият билан боғлаш зарурий вазифалар ёритилади.

Ишдан мақсад: ёзма юридик тилнинг ўзига хос хусусиятларини аниқ билиш каби мақсад белгиланади.

Масаланинг қўйилиши: Хуқук ва тилнинг алоқаси, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни нималардан иборат эканлиги аниқ мисоллар орқали асослантирилади.

Ишни бажариш учун намуна: Юридик тил нима? Унинг ўзига хосликларини тушунтиринг. Юридик нутқ нима? Унинг ўзига хосликларини тушунтиринг. Ушбу топшириқ презентация ёки бинар-маъруза асосида бажарилади.

Назорат саволлари:

1. Тил бирликларидан нутқ жараёнида тўғри ва ўринли фойдаланиш нимани назарда тутади?
2. Адабий тил шакл жиҳатидан қандай кўринишларга эга?
3. Ёзма юридик тил ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиринг.
4. Юридик тилда орфография талабларини тушунтиринг.
5. Ёзма нутқда орфография қандай принципларга асосланади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015.
2. Steve Taylore – Knowles. Reading and Writing. Malcolm Mann, 2011.
3. Умурзоқов Б.У. Ҳозирги ўзбек тили. – Термез давлат университети, 2012.
4. www.ziyouz.com интернет сайти маълумотлари
5. www.ziyouz.com сайти кутубхонаси

2-амалий машғулот

Юридик тилда пунктуацион меъёрлар. Дефис ва тире

Юриспруденцияда ёзма нутқ меъёрлари, хусусан, фонетик, лексик-семантик, акцентологик, грамматик, сўз ясалиш меъёрлари, имловий меъёрлар, график (ёзув), айниқса, пунктуацион ва услубий меъёрларни мисоллар билан тушунтириш, тиниш белгиларини ўз ўрнида ишлатиш масалалари, дефис ва тиренинг ўзига хосликларига оид топшириқлар бажарилади.

Ишдан мақсад: юридик тилда тиниш белгилари вазифасини пухта ўзлаштириш.

Масаланинг қўйилиши: ёзма юридик нутқ меъёрлари, имловий меъёрлар, график (ёзув), пунктуацион ва услубий меъёрлар қиёсий таҳлил қилинади.

Ишни бажариш учун намуна: Юристнинг ёзма нутқ маданияти ва имловий меъёрлар ҳақида тушунчангизни изохланг. “Мустақиллик – ҳукуқ демакдир” мавзусида эссе ёзинг.

Назорат саволлари:

1. Юридик тилда тиниш белгиларининг аҳамияти ҳақида гапиринг.
2. Ёзма юридик нутқда изчиллик ва адабий тил меъёрларига риоя қилишнинг асосий талаблари қандай кечади?
3. Пунктуация – ижтимоий ҳодисами? Нима учун?
4. Ўзбек тили ва инглиз тили пунктуациясининг умумий ва фарқли томонларини тушунтиринг.
5. Дефис ва тире ҳақида батафсил маълумот беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015.
2. Умурзоқов Б.У. Ҳозирги ўзбек тили. – Термез давлат университети, 2012.
3. Бахридинова Б. Ўзбек тилининг пунктуация қоидалари. Т.: Тил ва адабиёт таълими. 2015.
4. www.ziyouz.com интернет сайти маълумотлари
5. www.ziyouz.com сайти кутубхонаси

З-амалий машғулот

Юридик ёзма нутқда термин қўллаш меъёрлари

Юриспруденцияда терминология муаммолар, матнларда термин қўллаш қоидалари, термин ва атама тушунчалари, юридик терминлар олдига қўйиладиган талаблар, терминлар унификацияси, юридик умумхуқуқий тезаурус яратиш масалалари ҳал қилинади. Бу борада юрист олимлар фикрлари қиёсий ўрганилади.

Ишдан мақсад: юридик терминологиянинг хосликлари, термин ва атама тушунчалари, терминологияда мавжуд долзарб муаммолар хусусида фикр алмашиш.

Масаланинг қўйилиши: юридик матнлар устида ишлаш. Бунда кодекслар, иш юритиш қофозлари, публицистик асарлар қиёсий ва танқидий таҳлил этилади.

Ишни бажариш учун намуна: ЎзР Солиқ ва Божхона кодексларининг 6-7 та моддасини юридик ёзма нутқ меъёрлари асосида таҳлил қилинг.


Назорат саволлари:

1. Термин нима? Атама-чи?
2. Юридик терминлар олдига қандай талаблар қўйилади ?
3. Юридик термин ва юридик тушунча ўртасида қандай фарқ бор ?
4. Ёзма юридик тилда термин қўллаш меъёрлари қандай кечади?
5. Умумхуқуқий тезаурус масаласи юриспруденцияда қандай ҳал этилиши лозим?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015.
2. Тил ва маънавият. Республика илмий-методик конференция материаллари. Т.:RELEABLEPRINT, 2013.
3. www.ziyouz.com интернет сайти маълумотлари
4. www.ziyouz.com сайти кутубхонаси

V. КЕЙСЛАР БАНКИ



1-кейс. Ёзув – кишилик жамияти маданий тараккиётининг бошланиши, башариятнинг узок ва мураккаб тадрижий такомили жараёнидаги омилларнинг энг асосийларидан бири. Ёзув оғзаки тилга нисбатан иккиласи, қўшимча алоқа воситаси бўлса-да, тилга қараганда кўп афзалликларга эга.

Топшириқ: ушбу фикрни ёзма юридик тил қоидалари асосида давом эттиринг.

2-кейс. Ҳукуқ ва нутқ, хусусан, ёзма нутқ кўникмаси юридик таълимда янги йўналиш бўлиб, бу соҳада ҳал этилмаган ва баҳсли масалалар жуда кўп. Лекин шуниси шубҳасизки, барча турдаги юридик фаолият учун тилни бенуқсон билиш шартдир”, деган фикр мавжуд.

Топшириқ: мазкур фикрга муносабат билдиринг.

Муаммо тури	Келиб чиқиши сабаблари	Ҳал этиш йўллари

3-кейс. Хозирги юридик тилнинг долзарб муаммоларидан бири юриспруденцияда хуқуқий тезаурус яратиш масаласидир. Тезаурус - тилга оид лексик таркиби тўла ҳажмда акс эттирувчи луғат. У муайян тилдаги барча сўзларни қамраб оладиган, уларнинг матнда қўлланиш ҳолатларини тўла-тўқис акс эттирадиган луғат.

Топшириқ: Сизнингча, юриспруденцияда шундай луғат яратилганми?

4-кейс. Ёзма нутқ маданиятини эгаллаш, ёзув қоидаларига оғишмай риоя қилиш, тил маданиятини эгаллашга интилиш, фикр маҳсулини матнга тўлақонли тушира олиш маҳорати барча касб эгаларининг, шунингдек, педагогларнинг (шу жумладан, юрист-педагогларнинг) ҳам зарурий иши бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ҳар томонлама саводли кадр тайёрлаш масаласини кун тартибига ҳаётнинг ўзи қўймоқдаки, кишилик жамиятининг маданий-маърифийлигини бусиз тасаввур қилиш қийин.

Топшириқ: Ёзма нутқ маданияти, тўғри ёзиш эҳтиёжиҳаётый талабга айланиши шартми? Эркин фикрларингиз асосида матн тайёрланг.

5-кейс. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Топшириқ: Матн мазмунини кенгайтириб ёзинг.

6-кейс. Терговчи нотаниш шахс томонидан ёзилган аноним ёзувни олади. Бунда “БЛИСС” ҲКнинг бош бухгалтери кўплаб нотўғри иш қилгани ёзилган. У ишида ишхонада пулларни ўзиники қилиб олган ва нарсаларни ўғирлаган экан. Терговчи иш бошлайди, аниқлайди, топширади.

Топшириқ: Ушбу маълумотни ёзма нутқ талаблари асосида мантиқан тўғри баён (ёзма) қилинг.

7-кейс. Ёзув маданиятини пухта эгаллаш – мураккаб фаолият. Ёзма нутқнинг муваффақияти матннинг қанчалик тўғри, аниқ ва тушунарли бўлишига боғлиқ. Шу билан бирга ёзма нутқ қанчалик ёқимли ва ифодали бўлса, у ўқувчи шунчалик кучли таъсир этади. Бунда изчилликка ва адабий тилнинг ёзув меъёрларига риоя қилиш асосий талаблардан ҳисобланади.

Топшириқ: Ёзма юридик тил қандай лисоний меъёрларга амал қиласди? Ўз мулоҳазаларингиз ёзма баён қилинг.

8-кейс. Одамийликнинг муҳим фазилатларидан бири хушмуомалалик, мулойимлиқдир. Бу фазилатлар бевосита тилга, сўзга бўлган муносабатда намоён бўлади. Зоро, тилнинг кўрки, ақл-заковатнинг зийнати сўздир. Сўз муқаддас, у фақат эзгулик, яхшилик учун хизмат қилиши лозим. Юнон файласуфларининг таъкидлашларича, тил ҳар бир ақл соҳиби фазилати хазинасининг қалитидир ва ҳар кишининг билими, одоби унинг сўzlаридан яққол билиниб туради.

Топшириқ: Сизнингча, сўз – буюк ва қудратли воситами? Мулоҳазаларингиз асосида матн тайёрланг.

9-кейс. Бир хасис бой бор экан бир куни у ҳамёнини йўқотиб қўйибди ҳамёнида 100 танга бор экан бой ҳамённи топган одамга 10 танга суюнчи бераман деб эълон қилибди бир киши ҳамённи топиб олибди ва бойга ичидаги 100 тангаси билан олиб келибди хасис бой ҳамённи қўлига олиб аввал унинг ичидаги 100 тангани санабди лекин уни топиб келган кишига 10 тангани бергиси келмас эмиш ҳамённи топиб, олиб келган киши унга ваъдангизга кўра менга 10 танга беришингиз керак дебди хасис бой унга жавобан ҳамённин ичida 100 танга эмас 110 танга бор эди сен 10 тангани олиб қолибсан дебди ҳалиги кишининг бу ёлғон гапдан жаҳли чиқибди ва унга сиз менга тухмат қиляпсиз ҳамённинг ичida 110 танга эмас 100 танга бор эди энди устингиздан қозига арз қиламан, сўзингизнинг устидан чиқмаганингиз учун дебди ва хасис бой устидан қозига арз қилибди қози икковини чақириб улардан сўрабди хасис бой ҳали ҳам ҳамённинг ичida 100 эмас 110 танга бор эди 10 тасини ўзи олиб қолган дебди ҳалиги киши мен топиб олган бу ҳамёндаги пул 100 танга эди деб ўз гапини қайтарибди ва бой ўз ваъдасини бажаргиси келмаётганини айтибди қози икковининг гапини бирбирига қиёслаб туриб ҳукм чиқарибди сиз дебди ҳалиги кишига 110 тангалик эмас 100 тангалик ҳамён топиб олган экансиз бой йўқотган ҳамён эса 100 тангалик эмас 110 тангалик экан демак бу ҳамён бу кишиники эмас бойга қараб эса қози дебди ҳамённи бу кишига қайтариб беринг сизники эмас экан

Топшириклар:

1. Матнда зарур бўлган тиниш белгиларини қўйиб, матнни тўғри ёзинг.
2. Сизнинг-ча, ҳукм чиқаришда қози ишнинг қайси томонларини ҳисобга олди? Фикрингизни ёзма баён этинг.

10-кейс. Таниқли адаб Абдулла Қаххорнинг “Нутқ” фелетонида шундай дейилади: “Ҳозирги вақтда тилимизнинг бойлигини, унинг қочириқларини ўрганишга эришган, сўз санъатига хунар деб эмас, касб деб қарайдиган, бисотидаги бир ҳовуч сўзни йиллар давомида айлантириб, кун кўриб юрган бир туркум қалам аҳлининг “фаолияти” натижасида ажаб бир тил бунёдга келган. Бу тилнинг ҳеч қаерда ёзилмаган, лекин амалда жорий бўлган темир қонунига кўра “яхши овқат едим”, деб бўлмайди, албатта. “Сифатли овқатландим”, деб ёзиш шарт! “Папирос чекадиган киши гугуртини олиб юриши керак”, дейилса, тўғри бўлади. Бу тил ҳар қанақа жонли фикрга кафан кийгизади, ҳар қанақа ўйноқи мазмунни тахтага

тортади, ҳар қанақа нотиқни ғурбатнинг уясига, ҳар қанақа аудиторияни ўлик чиқсан ҳовлига айлантиради!”

Топшириқ: Адиб ушбу муносабати билан нима демоқчи? Ўз мулоҳазаларингиз асосида матн мазмунини кенгайтириб ёзинг.

11-кейс. Янги имло қоидаларини қунт ва сабот билан ўрганиш, унга амал қилиш фақат она тили ва адабиёт ўқитувчилари, тингловчи-ю ўқувчиларнинггина иши бўлиб қолмасдан, барча ўқитувчи ва мураббийларнинг, матбуот ходимларининг, нашр-матбаа бўйича масъулларининг, бир сўз билан айтганда, барча-барча зиёлиларнинг кундалик ва доимий иши бўлмоғи лозим.

Топшириқ: Ўз мулоҳазаларингиз асосида матн мазмунини кенгайтириб ёзинг.

12-кейс. Ҳазрат Форобий фанлар мазмунини мантиқ ташкил этишини алоҳида таъкидлайди. Жумладан, мантиқ илми ва грамматика ўртасидаги боғлиқлик ҳақида: “Мантиқнинг ақлга муносабати грамматиканинг тилга муносабати кабидир. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби, мантиқ илми ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради”, - деб ёзади.

Топшириқ: Алломанинг бу фикри ёзма нутқда қандай реаллашади? Фикрларингиз асосида ёзма матн тайёрланг.

13-кейс. Дефис ва тире ўхшаш белгилар. Лекин грамматик нуқтаи назардан улар бир-биридан фарқ қиласди. Бу икки белгининг ўзига хусусиятларини қўйидаги мисоллар ёрдамида асосланг. Мисолларда дефис ва тирени тўғри қўйиб чиқинг.

1. Бири хуқуқ, бири мажбурият.
2. Ҳаё, одоб, инсоф, диёнат булар инсон сийратини безайдиган фазилатлардир.
3. Эл юрт, меҳр шафқат, катта катта, баланд баланд.
4. Конституция Ўзбекистоннинг Асосий қонуни 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.
5. сапсариқ, қипқизил, ямяшил.
6. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.
7. Судэкспертиза, судхуқуқ, юристпедагог, юристмаслаҳатчи.

14- кейс. Қонун фақат юристлар ёки хуқуқ соҳасидаги мутахассислар учун қабул қилинмайди, балки у давлатнинг барча фуқаролари учун тегишли

бўлади. Шу боис қабул қилинаётган қонунларнинг тузилиши имкон қадар содда, иложи борича ғализликлардан, ноаниқликлардан холи, энг асосийси терминлардан тўғри фойдаланган ҳолда бўлиши лозим.

Топширик: Ўз мулоҳазаларингиз асосида “Термин – қонун тили лексикаси” мавзусида матн тайёрланг.

16-кейс. Қонун тили лексикаси ўзига хос ранг-баранглиги билан ўзбек тили луғат қатламида салмоқли ўрин тутади. Йиллар давомида шаклланган ва мустақиллик шарофати ила такомиллашиб келаётган қонунчиликда қўлланиладиган луғавий бирликлар, терминлар расмийлик бўёги билан ажралиб туради. Терминлар умуммуомаладаги сўзлардан фарқланадиган ўзига хос хусусиятларга эга.

Топширик: Ана шу хусусиятларни юридик терминлар асосида мисоллар билан изоҳланг.

17-кейс. Жамиятнинг ижтимоий ҳаётиги оид тушунчалар, сиёсий, хуқуқий, диний бадиий, фалсафий ва бошқа тушунчаларни ифодаловчи расмий сўз ва бирикмалар терминологик таркибни ташкил этади. Ана шу луғавий бирликнинг тўла мазмун-моҳияти тезаурусда ўз аксини топади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 20 майда республика хуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари, хуқуқшунос олимлар, оммавий-ахборот воситалари вакиллари билан учрашувдаги нутқида, республикамиз Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август қарори (№ 466-1) асосида қабул қилинган “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Дастури”да таъкидланишича, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, хуқуқий маданиятни ривожлантириш учун аввало хуқуқшунослик соҳаси бўйича сифатли маҳсус адабиётлар, луғатларни тайёрлаш, уларни нашр этишни кўпайтириш даркордир.

Топширик: Сизнингча, юриспруденцияда пухта шаклланган луғат қандай бўлиши лозим?

18-кейс. Айрим юридик ёзма манбаларда *прокурор* – қораловчи; *адвокат* – оқловчи; *транспотр* – нақлиёт; *институт*, *университет*, *академия* – олийгоҳ; *фахрий* – кайвоний; *алимент* – нафақа, *пенсия* – нафақа, *пенсионер* – нафақаҳўр; *паралел* – мувозий, *судья* – қози, *конференция*, *симпозиум*, *конгресс*, *семинар* – анжуман; *аукцион* – кимошиби савдоси тарзида берилмоқда.

Топширик: Халқаро, байналмилал, шунингдек, ўзбек тилида муқобили мавжуд бўлган сўз ва бирикмаларни таржима қилиш, ўзгартириш шартми? Мулоҳазаларингиз асосида матн мазмунини кенгайтириб ёзинг.

19-кейс. Кўпчилик *термин* сўзи ўрнига *атама* сўзини қўллади, *термин* сўзининг ўзбек тилидаги таржимаси *атама* деб ўйлади. Бундай ёндашиш хато ҳисобланади. Чунки *атама* сўзи билан *термин* сўзи ўзаро бир-биридан фарқланувчи тушунчалардир.

Топширик: Сизнингча, *термин* сўзи билан *атама* сўзи бир хил тушунчами? Ана шу луғавий бирликлар хусусидаги фикрингизни аниқ мисоллар асосида изоҳланг.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчига мустақил ишни тайёрлашда фаннинг муайян ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- ўқув манбалардан фойдаланиб, мавзуларни ўрганиш;
- модулнинг маъруза қисмларини ўзлаштириш;
- муайян ёзма юридик материални тил нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;
- модул мазмуни ва мақсадини танланган мавзу асосида аниқ ёритиш;
- педагогик технология методлари, инновацион таълим технологиялари асосида маъруза қисмларини ўзлаштириш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Юриспруденцияда ёзма иш турлари.
2. Юридик матн ёзиш нормаси.
3. Юридик илмий манбаларда қўлланувчанлик (частоталик); ёзма манбаларда қўлланувчанлик; бадиий матнда қайта тикланиши.
4. Ёзма нутқда сўз танлаш мезони.
5. Расмий юридик услубда юридик матн тузиш.
6. Расмий юридик услубнинг лингвистик хусусиятлари.
7. Ёзма юридик тилнинг луғавий жиҳатлари – лексикаси.
8. Ёзма юридик иш юритиш тартибининг асосий мезонлари.
9. Юридик тилнинг ўзига хос хусусиятлари.
10. Юристнинг фикрни тўғри баён қилиш талаблари.
11. Юридик ёзма матнда тил услубларидан ўринли ва тўғри фойдаланиш маҳорати.
12. Ёзма юридик нутқ адабий тил меъёрлари аспектида.
13. Юридик тилда тилнинг тасвирий воситаларидан фойдаланиш талаби.
14. Ўзбек адабий тилининг функционал услублари ва юристнинг ёзма нутқ кўнималари.
15. Ёзма юридик тилда услуг ва услугият тушунчаси.
16. Ёзма нутқда термин қўллаш талаблари.

VII. ГЛОССАРИЙ


Термин	Ўзбек тилидаги изоҳи	Инглиз тилидаги изоҳи
Академёзув	Соҳа ёзма нутқ мадниятини эгаллаш, тўғри ёзишга интилиш маҳорати, тил мавжудлигининг бир шакли. Академик ёзув қатъий меъёр ва тартибга солинган адабий тилдан фойдаланади	Handwriting as distinguished from print, esp. cursive writing. Academic writing - any writing done to fulfill a requirement of a college or university. Academic writing is also used for publications that are read by teacher and researchers or presented at conferences
Каллиграфия	Ёзма нутқ кўникмаларини тўлиқ эгаллаш омили бўлиб, хуснихат, чиройли, озода ва аниқ ёзиш санъати деган маънони англатади	Calligraphy - a printmaking process in which materials are applied to a rigid substrate or handwriting, esp. beautiful handwriting considered as an art also called: chirography
Нашр	Муайян матнни белгиланган андоза ва шаклда тиклаш ва фойдаланиш	Printing -a process for reproducing text and images using a master form or template
Парафраза	Предмет, воқеа, ходисаларни ўз номи билан эмас, балки уларнинг ўзига хос белги-хусусиятларини тасвирий усул орқали ифодалаш. Ёки бирон-бир матн шаклини унинг маъносини ўзгартирган ҳолда бошқа сўзлар билан қайта ифодалаш	Paraphrase -a restatement of a text or passage giving the meaning in another form as for clearness; rewording. A rewriting of a text with substantially different wording and organisation but similar ideas
Орфография	“Тўғри ёзиш” маъносини англатиб, ёзма нутқда сўз ва қўшимчаларни тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар	Orthography -the conventional spelling system of a language; the study of spelling and how

	йифиндисидир	letters combine to represent sounds and form words
Стилистика	Ёзув, хат таёқчаси маъноларини англатиб, тилшуносликнинг тил услугларини тадқиқ этувчи соҳа	Stylistics - the study of the use of elements of language style, such as metaphor, in particular context
Ёзув	Ёзма шаклда фикр баён этиш, нутқ фаолиятини тури. Кишилик жамияти маданий тараққиётининг бошланиши, башариятнинг узоқ ва мураккаб тадрижий такомили жараёнидаги омилларнинг энг асосийларидан бири	Writing - a group of letters or symbols written or marked on a surface as a means of communicating ideas by making each symbol stand for an idea, concept, or thing , by using each symbol to represent a set of sounds grouped into syllables (syllabic writing), or by regarding each symbol as corresponding roughly or exactly to each of the sounds in the language (alphabetic writing)
Пунктуация	Ёзма нутқда тил қоидаларини ўрганувчи соҳа. Бунда асосан тиниш белгилариниг шаклий қоидалари талқин қилинади	Punctuation - the marks (such as periods and commas) in a piece of writing that make its meaning clear and that separate it into sentences, clauses, etc.
Интонация	Фикр баёнида оҳангни пасайиши ёки кўтарилиши, сўз маъносини кучайтириш	Intonation - the rise and fall in the sound of your voice when you speak
Мазмун	Нарсаларни айнан шу нарса сифатида	Content - the ideas that are contained in a piece of

	ифодаловчи муҳим элемент ва ўзгаришларнинг йиғиндиси. Шакл эса мазмуннинг мавжудлик усулини, ички тузилишини ифодалайди	writing, a speech , or a film . by his ability to use the corresponding sets of exercises, tempering and thermal procedures, and other means of APhC
Прицип	Тамойил – муайян бир тенденция бўйича йўналиш бўлиб, унда қандай ишлаш ва натижани тушунтиради	Principle - a law or fact of nature that explains how something works or why something happens
Ихтисос	Муайян соҳага йўналтирилган ёндашув (лойиҳа маъносига). Аниқ тайёргарликни талаб қилувчи, мавжудлик манбаи хисобланган фаолият	Specification - a detailed description of work to be done or materials to be used in a project; an instruction that says exactly how to do or make something
Термин	Илм-фан, техника, қишлоқ хўжалиги ва санъатга оид тушунчаларнинг аниқ номини билдирувчи бир маъноли сўз ва бирикмалар	Term - a name, expression, or word used for some particular thing, esp in a specialized field of knowledge: a medical term
Тезаурус	Муайян тилдаги барча сўзларни қамраб оладиган, уларнинг матнда кўлланиш ҳолатларини тўла-тўқис акс эттирадиган лугат	Thesaurus - dictionary of synonyms and antonyms, a book containing systematized lists of synonyms and related words
Лугат	Муайян тилдаги сўзлар йиғиндиси, сўзлар (ёки морфемалар, сўз бирикмалари, иборалар ва бошқалар) муайян тартибда (алифболи, уяли, мавзули) жойлаштирилган, тавсифланувчи бирликлар	Dictionary - a book giving information on particular subjects or on a particular class of words, names, or facts, usually arranged alphabetically: a biographical dictionary; a dictionary of mathematics
Лексика	Тилдаги барча сўзлар ва иборалар йиғиндиси, тилнинг лугат таркиби. Маълум қонун-қоидага	Lexis (лексика) the vocabulary of a language, as distinct from its grammar; the total stock of words a

	бўйсунувчи изчил ва мураккаб тизим	nd idiomatic combinations of them in a language
Графема	Ёзма нутқдаги энг кичик ёзув бирлиги, сўз ёки гапдаги ўрни, услуб ва ҳ. к. кўра турли варианларда қўлланадиган ёзув бирлиги именно в процессе обучения	Grapheme -one of a set of orthographic symbols (letters or combinations of letters) in a given language that serve to distinguish one word from another and usually correspond to or represent phonemes, e.g. the f in fun, the ph in phantom, and the gh in laugh
Матн	Китобдаги энг асосий қисм бўлиб, ўзида тугал маънони акс эттирган, ўзаро боғлиқ таркибий қисмлардан иборат аниқ фикр	Text -the main body of matter in a manuscript, book, newspaper, etc., as distinguished from notes, appendixes, headings, illustrations, etc.
Структура	Муайян нарсаларнинг тузилиши, қурилиши; таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги, объектнинг яхлитлиги ва айнан ўзлигини англатадиган, яъни ташқи ва ички ўзгаришларда асосий хусусиятларини сақлаб қоладиган барқарор алоқалари мажмуи	Coherence -agreement or accordance with facts, form, or characteristics previously shown or stated the property of unity in a written text or a segment of spoken discourse that stems from the links among its underlying ideas and from the logical organization and development of its thematic content
Ўзлашган қатлам	Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш орқали ҳосил бўладиган қатлам. Миллий тилга хорижий тил манбаидан кириб келган ва миллий тилга ўзлашган сўзлар мажмуи	The layers of a language - The group of words and word combinations of a certain language created within its inner potential or derived from other languages. Therefore every language has two layers:

		original layer and derived layer
Плагиат	Бошқа бир муаллифнинг фикрини тасдиқланмаган холда фойдаланиш	Using another writer's work without acknowledgement in an acceptable manner
Иқтибос	Бошқа бир муаллифнинг фикрини илмий ишда айнан келтириш	Use of the exact words of another writer to illustrate your writing
Умумлаштириш	Ахборотни керакли даражада камайтириш, тушуниши учун қисқартириш	A shorter version of something
Манба	Ўз фикр ва маълумотларни ифодалаш учун кўлланадиган матнлар	The original text you have used to obtain an idea or piece of information



VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Сайдова А., Кўчимов Ш. Қонунчилик техникаси асослари. Т.: Адолат, 2001.– 271 б.
2. Назарав К.Н., Усмонов С.Б., Тоҳиров Қ.Ҳ. Юристнинг нутқ маданияти. –Т.: ТДЮИ кичик босмахонаси, 2003. – 215 б.
3. Усмонов С.Б. Юристнинг нутқ маданияти. –Т.: ТДЮИ, 2006. – 225 б.
4. Мирхамидов М., Норпўлатов Н., Хасанов С. Юристнинг нутқ маданияти. Т.: Fan va texnologiya, 2005. – 314 б.
5. Расулов Р., Хусанов Н., Мўйдиноў Қ. Нутқ маҳорати. Т.: 2006. – 138 б.
6. Usmonov S.B. Yuristning nutq madaniyati. – T.: Sharq, 2007.–197 б.
7. Бекмирзаев Н. Юрист нутқи маданияти. Т.: Mumtoz soz, 2011.– 155 б.
8. Маҳмудов Н., Нурмонова А., “Она тили”. Т.: Ўқитувчи, 2012.
9. Умурзоқов Б.У. Ҳозирги ўзбек тили. – Термез давлат университети, 2012.
10. Тил ва маънавият. Республика илмий-методик конференция материаллари. Т.: RELEABLEPRINT, 2013. – 268 б.
11. Бахридинова Б. Тиниш белгилари – ёзма нутқ моҳиятини англаш воситаси. Т.: Маърифат. 2014. 3-б.
12. Бахридинова Б. Ўзбек тилининг пунктуация қоидалари. Т.: Тил ва адабиёт таълими. 2015. 1-сон, 23-25- б.
13. Steve Taylore – Knowles. Reading and Writing. Malcolm Mann, 2011.– 278 б.
14. Stephen Bailey. “Academic Writing: A Handbook for International Students” Fourth Edition. 2015. – 284 б.

Интернет ресурслар

1. www.google.uz
2. <http://www.gov.uz>
3. <http://www.UZA.uz>
4. <http://www.lex.uz>
5. <http://www.press service.uz>
6. <http://www.ut.uz>
7. <http://www.ziyonet.uz>